O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

2007 йил 15 декабрь ШАНБА

№ 100 (12.007)

1928 йил 11 декабрда асос солинган ● Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ● Эркин нархда сотилади

www.th.uz

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ, ОДАМЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН



ИСЛОМ КАРИМОВНИНГ ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати – Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримов 13 декабрь куни Тошкент вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Тошкент вилояти округ сайлов комиссияси раиси С.Қурбонқулов очди. Йиғилганлар номзоднинг дастури билан таништирилди. Дастурда мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ислоҳотларни изчил давом эттириш, демократияни мустаҳкамлаш, қонун устуворлиги ва ижтимоий адолатни таъминлаш, фермерликни, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш, сармоявий муҳитни янада яхшилаш, солиқ юкини камайтириш, ишлаб чиқаришга юқори технологияларни кенг жорий этиш, халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада ошириш каби муҳим масалалар қамраб олинган.

Учрашувда Ислом Каримов нутқ сўзлади.

Истиқлол йилларида бутун мамлакатимиз каби Тошкент вилоятида ҳам кенг кўламли бунёдкорлик ишлари амалга оширилди, деди Ислом Каримов. Вилоятда саноатнинг тоғ-кон, кимё, тўқимачилик, қайта ишлаш каби кўплаб тармоқлари изчил ривожланмоқда. "Олмалиқ кон-металлургия комбинати" очиқ акционерлик жамияти, "Оҳангарон-цемент" акционерлик жамияти, "Спентекс-Тўйтепа" қўшма корхонаси каби йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки мамлакатимиз иқтисодий салоҳиятини юксалтиришга хизмат қилмоқда. Жорий йилнинг 9 ойида вилоятда экспорт ҳажми 1,5 баробар ошгани ҳам шундан далолатдир. Вилоятда аҳоли турмуш даражасини янада юксалтириш, ерлар унумдорлигини ошириш, қишлоққа саноат ва сервисни олиб кириш борасида, шунингдек, маданий-маърифий соҳаларда кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Дарҳақиқат, амалга оширилаётган туб ислоҳотлар туфайли мамлакатимиз иқтисодиёти ва халқимиз фаровонлиги тобора юксалмоқда. Пенсия ва ижтимоий нафақалар миқдори, аҳолининг реал даромадлари изчил оширилмоқда. Мамлакатни модернизация қилиш ва демократлаштириш, иқтисодий ва сиёсий соҳаларни либераллаштириш жараёнлари изчил давом этмоқда. Булар халқ фаровонлиги ва даромадларини муттасил юксалтиришга қаратилган устувор вазифалар изчиллик билан амалга оширилаётганининг амалий ифодасидир.

Ўзбекистон халқ шоири Маҳмуд Тоиров, Оққўрғон туманидаги 16-умумтаълим мактаби ўқитувчиси Азиз Қўшбоев, Тошкент вилояти корейслар жамоатчилик бирлашмаси раиси Зоя Ан мустақиллигимизни мустаҳкамлаш, ижтимоий ва иқтисодий барқарорликни таъминлаш, иқтисодиётни ривожлантириш, мамлакатимизнинг халқаро миқёсдаги нуфузини юксалтириш борасида амалга оширилган бетимсол ишлар бевосита Ислом Каримов номи билан боғлиқ эканлигини қайд этдилар. Ислом Каримов номзодини қўллаб-қувватлаш мамлакатимизда олиб борилаётган кенг кўламли ислоҳотларни изчил давом эттириш, иқтисодиётни ривожлантириш ва халқимизнинг турмуш фаровонлигини янада юксалтириш каби долзарб масалаларни амалга оширишнинг муҳим кафолати эканлигини алоҳида таъкидладилар.

А. БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.

СУРАТЛАРДА:
учрашув пайти.
Сарвар ЎРМОНОВ (ЎзА) олган суратлар.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Тошкент вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқи

Ассалому алайкум, азиз ватандошлар!

Муҳтарам дўстлар!

Бугун сиз, азизлар билан, Тошкент вилоятининг сайловчилар вакиллари, оқсоқоллари ва фаоллари билан кўришганимдан ва шу фурсатдан фойдаланиб, барчангизга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига ўзимнинг самимий ҳурмат-эҳтиромимни билдиришдан бахтиёрман.

Қадрли юртдошлар!

Барчангизга маълумки, шу кунларда мамлакатимизда 23 декабрь куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига катта тайёргарлик ишлари олиб борилмоқда. Сизлар билан бугунги учрашувимиз ҳам айнан ана шу муҳим сиёсий воқеа – сайлов масаласига бағишланган.

Энг аввало, шуни таъкидлаш керакки, ушбу сайлов жараёнлари Конституциямизга, шу билан бирга, халқаро андозалар ва ривожланган демократик давлатларнинг тажрибасига тўлиқ асосланган қонун асосида олиб борилмоқда.

Олдимизда турган ушбу сайловнинг эътиборга лойиқ томони шундаки, мамлакатимизда фаолият юритаётган сиёсий партиялар, жумладан, Халқ демократик партияси, "Адолат" социал-демократик партияси ва Либерал-демократик партиясининг вакиллари Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод сифатида кўрсатилган ва Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган. Шу билан бирга, партия аъзоси бўлмаган аҳоли номидан сайловчилар ташаббускор гуруҳи томонидан кўрсатилган номзод ҳам сайловда қатнашмоқда.

Ҳаммамизга маълумки, ҳар қандай сайлов – бу сиёсий синов. Сайловларни юқори даражада ўтказишимиз, биринчи галда биз кўзлаган, олдимизга мақсад қилиб қўйган юртимизда демократик эркин давлат ва инсон ҳуқуқларини юксак қадрлайдиган фуқаролик жамияти қуриш йўлида катта қадамдир.

Ҳеч шубҳасиз, келгуси сайловни Конституциямиз, тегишли қонунларимиз ва халқаро андозалар асосида ўтказиш – бу мамлакатимизнинг халқаро обрўсига янги обрў ва ҳурмат қўшади.

Айни шу мақсадларга эришиш учун биз аввало нималарга алоҳида эътибор беришимиз зарур?

Биринчидан, сайловнинг барча жараёнларида қонун устуворлиги ва эркинлик ҳукмронлигини таъминлашимиз, совет давридан қолган, ҳалибери учраб турадиган баъзи бир тартиб ва қоиплардан бутунлай воз кечишимиз даркор.

Шу билан бирга, барча сайлов жараёнларида ҳар қандай давлат-маъмурий идоралари томонидан, умуман четдан туриб буларга таъсир кўрсатишга йўл қўймасликка алоҳида аҳамият беришимиз керак. Муҳтасар айтганда, сайлов жараёнларини ўтказишда Марказий сайлов комиссиясининг кўрсатмаларига сўзсиз риоя қилиниши лозим.

Бўлғуси сайловга халқаро жамоатчилик томонидан қандай баҳо берилиши сайлов жараёнларида сиёсий партиялар ва жамоатчилик вакилларига, маҳаллий ва горижий кузатувчиларга, оммавий ахборот воситаларига ўз ҳуқуқ ва бурчларини амалга ошириши учун қай даражада шароит яратиб беришимизга боғлиқ эканини унутмаслигимиз керак.

Энг муҳими, кимгадир арзимайдиган бир масаладек кўринадиган баъзи бир қонун талаблари ҳам эътиборимиздан четда қолмаслиги керак, деб ўйлайман.

Муҳтарам дўстлар!

Барчамиз яхши англаб олишимиз лозимки, бугун Президент сайлови ҳақида сўз борганда, гап асосан номзод, шахс ҳақида эмас, балки эртага сайловлар ўтгандан кейин Ўзбекистонда амалга ошириладиган сиёсат ҳақида бориши керак.

Мен бу ўринда нимани назарда тутяпман?

Ҳеч кимга сир эмас, ҳар қайси инсон бу сиёсат шахсан менинг ўзимга, оиламга қандай наф беради, юртим тинчлиги ва осойишталигини сақлаш, Ватаним тараққиётини, халқим фаровонлигини янада юксалтириш учун қандай хизмат қилади, деган саволлар устида ўйлаши табиийдир.

Бу дунёда ҳар бир одам муносиб ҳаёт кечириш, болаларини тарбиялаш, уй-жойли қилиш, уларнинг бахти ва камолини кўриш орзуси билан яшайди. Баландпарвоз гапларни четга суриб айтганда, бу ҳар қайси оила, ҳар қайси инсон учун энг зарур, энг устувор масала эканини барчамиз яхши англаймиз.

Шу билан бирга, ҳар қайси инсон ва оиланинг бугунги ҳаёти ва эртанги орзу-интилишларининг амалга оширилиши юртимиздаги тинчлик ва осойишталикни сақлаш Ватанимизнинг тараққиёти билан чамбарчас боғлиқ эканини яхши тушунамиз.

Ишонаманки, кўпни кўрган халқимиз айни шу эзгу мақсадларни кўзлаган ҳолда, ўз юртининг тинчлиги ва обод бўлиши учун, ҳаётимиз янада фаровон бўлиши учун ўз овозини беради.

Азиз ватандошлар!

Биз ўтган давр мобайнида олдимизда турган эзгу мақсад ва муддаоларимизга эришиш йўлида қандай марраларга эришган бўлсак, буларнинг барчасини заҳматкаш халқимизнинг фидойилиги, мардона меҳнати билан қўлга киритганимизни яхши биламиз ва буни юксак қадрлаймиз.

Шу билан бирга, ҳаммамиз яхши тушунамизки, эртанги кунимизни, Ватанимиз истиқболини қуриш йўлида албатта чуқур ва атрофлича ўйланган, узоқни кўзлайдиган стратегия ва аниқ режалар зарур.

Бу стратегиянинг энг муҳим, асосий йўналишлари менинг сайловолди дастуримда ўз ифодасини топган ва ўйлайманки, кўпчилигингиз бу дастур билан танишсиз. Рухсатингиз билан олдимизда турган ана шу устувор вазифаларни ўзимизга чуқурроқ тасаввур қилиш учун улар ҳақида яна бир бор қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Бизнинг эртанги кунимиз ва узоқни кўзлаган мақсадларимиз ҳақида гапирганда:

Биринчидан. Ўзини ҳаётимизда ҳар томонлама оқлаган кенг кўламли ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга қаратилган сиёсатни давом эттириш ва кучайтириш асосий вазифамиздир.

Бу борада иқтисодиётдаги чуқур таркибий ўзгаришларни янги босқичга кўтариш, фаол инвестиция сиёсатини амалга ошириш, солиқ юкини камайтириш, юксак технологиялар билан қуролланган тармоқ ва ишлаб чиқариш корхоналари, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик ривожи учун янада қулай шарт-шароитларни яратиш бундан кейин ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Иккинчидан. Тараққиётимиз таянчи бўлмиш тадбиркорлик, фермерлик ҳаракати ва хусусий бизнес тузилмаларининг, барча моддий ва интеллектуал мулк эгаларининг манфаатларини устун қўйиш, уларга тўлиқ имтиёз ва имкониятлар яратиб бериш, кенг қўллаб-қувватлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.

Бу соҳада охирги йилларда қандай қулайлик ва имтиёзлар бераётганимиз ҳақида барчангиз хабардорсиз. Шу ишларни келажакда давом эттирамиз. Фақатгина бир мисол тариқасида қуйидаги рақамларга эътиборингизни тортмоқчиман.

Фермерлар, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлардан олинадиган ягона солиқ ставкаси 2007 йилда 10 фоиз бўлган бўлса, янги – 2008 йилда 8 фоизни ташкил этади. Бундай қарор, ўйлайманки, айни мана шу соҳа вакилларининг даромадини янада оширишга имкон беради, албатта.

Мамлакатимизда иқтисодий ва ижтимоий сиёсатни амалга оширишда биз аҳолининг социал қатламлари ўртасида ҳаёт даражаси ва даромад кўрсаткичлари бўйича кескин табақаланишга йўл қўймасликка алоҳида эътибор қаратамиз.

Содда қилиб айтганда, Ўзбекистонда ўта бойлар ҳам, ўта камбағаллар ҳам бўлмаслиги керак, деган тамойил бундан буён ҳам изчил давом эттирилади. Лекин бу масалани ечишда биз фақат ва фақат иқтисодий воситаларга таянамиз.

Учинчидан. Кучли давлатдан кучли фуқаролик жамиятига босқичма-босқич ўтиш жараёнини чуқурлаштириш давлат ва жамият қурилиши соҳасида асосий вазифамиз бўлиб қолади.

Биз давлат ҳокимияти органларининг хўжалик субъектлари ишига аралашувини тубдан бартараф этиш, уларнинг иқтисодий ва ижтимоий масалаларни ҳал этиш, коммунал хўжалик ва ободонлаштириш ишларини молиялаштириш, одамларни иш билан таъминлаш ва аҳоли манфаатларини ҳимоя қилиш бўйича ваколатларини босқичма-босқич маҳаллий ҳокимият, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, маҳаллаларга ўтказиш мақсадида фаол иш олиб борамиз. Бошқача айтганда, қуйи поғонадаги бошқарув тизимининг ваколатини янада оширамиз.

Тўртинчидан. Ҳаётимизнинг барча соҳаларини эркинлаштиришга доир ислоҳотларни изчил давом эттириш доимий эътибор марказимизда бўлади.

Жамиятимизда демократик жараёнларни янада чуқурлаштириш, жумладан, кўппартиявийлик тизими, фуқаролик институтлари ва нодавлат ташкилотлар фаолиятини, уларнинг ҳуқуқ ва ваколатларини кучайтириш, оммавий ахборот воситаларининг том маънода тўртинчи ҳокимият сифатида фаолият юритиши учун зарур бўлган барча ҳуқуқий ва ташкилий тадбирларни амалга ошириш – долзарб вазифамиздир.

Бешинчидан. Суд-ҳуқуқ тизимини чуқур ислоҳ этиш ва эркинлаштириш бўйича бошлаган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш, энг асосийси, суд тизими мустақиллигини таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратамиз.

Бу борада ўлим жазосини бекор қилиш, қамоққа олишда санкция бериш ҳуқуқини судларга ўтказиш тўғрисида қабул қилинган қонунлар ижросини тўлиқ таъминлаш, бу йўналишда самарали тизимни шакллантиришга устувор аҳамият берилади.

Олтинчидан. Ташқи сиёсат соҳасида биз бошқа давлатларнинг ички ишларига аралашмаслик, улар билан тенг ҳуқуқли асосда шерикчилик қилиш, узоқ ва яқин қўшниларимиз билан ўзаро манфаатли ҳамкорлик ва тотувликда яшаш тамойилига бундан буён ҳам қатъий амал қиламиз.

Юртимиздаги тинчлик ва осойишталик, барқарорликни мустаҳкамлаш, турли миллатлар ва диний конфессиялар ўртасида ҳамжиҳатликни янада кучайтириш бизнинг устувор мақсадимиз бўлиб қолади.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
Қ А Р О Р И

Қурбон ҳайитини нишонлаш тўғрисида

Муборак Қурбон ҳайитининг халқимиз маънавий ҳаётидаги ўрни ва аҳамиятини эътиборга олиб ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг "Диний байрам – Қурбон ҳайитини дам олиш куни деб эълон қилиш ҳақида"ги 1991 йил 20 июндаги ПФ-221-сон Фармонига мувофиқ:

1. 2007 йилда Қурбон ҳайитининг биринчи куни 19 декабрга тўғри келиши ҳақида Ўзбекистон мусулмонлари идораси мурожаатини инобатга олиб, 2007 йил 19 декабрь дам олиш куни деб белгилансин ва мамлакатимизда байрам сифатида кенг нишонлансин.

2. Республика "Нуроний", "Маҳалла" жамғармалари, "Камолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати ва бошқа барча мутасадди идора ва жамоат ташкилотлари Қурбон ҳайитининг жойларда тартибли ва юқори даражада, халқимизнинг миллий қадриятларига мос равишда ўтиши учун тегишли тадбирларни амалга оширсин.

3. Ўзбекистон Миллий телерадиокомпанияси, Ўзбекистон Миллий ахборот агентлиги ва бошқа оммавий ахборот воситаларига Қурбон ҳайитини нишонлаш билан боғлиқ тадбирларни кенг ёритиш тавсия этилсин.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. КАРИМОВ.
Тошкент шаҳри,2007 йил 13 декабрь.

Вилоят ҳокимлигида

Вилоят ҳокимлигида халқаро молия корпорацияси иштирокида ёнғинни назорат қилиш давлат органлари томонидан текширишлар ўтказиш бўйича ишлаб чиқилган янги шаклдаги далолатномалар билан тадбиркорлик субъектларини кенгроқ таништириш юзасидан семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Уни вилоят ҳокими ўринбосари Содиқ Абдуллаев бошқарди.

ТАДБИРКОРЛАР ҲУҚУҚИ ҲИМОЯДА

Йиғилишда Халқаро молия корпорацияси, вилоят Адлия, Ёнғинга қарши кураш, Монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш ҳудудий бошқармалари, савдо-саноат палатаси ҳамда тадбиркорлик субъектлари вакиллари қатнашди.

«Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятини давлат томонидан назорат қилиниши тўғрисида»ги Қонуннинг 5-моддаси ижросини таъминлаш мақсадида Давлат монополиядан чиқариш, рақобат ва тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш қўмитаси, Ички ишлар вазирлиги, Ёнғин хавфсизлиги бош бошқармаси, Давлат санитария-эпидемиология назорати хизматлари ўртасида халқаро молия корпорациясининг мамлакатимизда тадбиркорликни ривожлантириш лойиҳасига асосан ёнғин хавфсизлиги, санитария назорати органлари амалиётига текширишларни ўтказишга оид умумлаштирилган далолатнома шаклларини киритиш бўйича тадбирлар режаси тасдиқланган эди. Йиғилиш иштирокчилари далолатномаларнинг аҳамияти хусусида тўхталиб, унда назорат қилувчи орган мансабдор шахсларининг тадбиркорлик субъектини текширишда қандай қонун ҳужжатлари ёки қоидаларида ўрнатилган талабларни бажаришлари лозимлиги кўрсатиб ўтилгани, яъни қонун ҳужжатларида текширувчи ваколатига кирувчи масалалар белгилаб қўйилганлигини алоҳида таъкидлашди. Мазкур умумлаштирилган далолатномалар назорат қилувчи органлар томонидан текширувлар ўтказиш тизимини бир хил шаклга келтиришга ёрдамлашади ҳамда тадбиркорлик субъектларини назорат қилувчи органлар мансабдор шахсларининг ноқонуний ҳаракатларидан ҳимоя қилади. Сўзга чиққан вакиллар амалиётга киритилаётган мазкур далолатномалар назорат қилувчи органлар томонидан ўтказиладиган текширувлар очиқ-ошкора бўлишини таъминлашга хизмат қилишини эътироф этишди.

Тадбир

ИЛМИЙ-ИЖОДИЙ УЧРАШУВ

Ўзбекистон миллий университети қошидаги Олий педагогика институтида Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва Президент сайловига бағишланган илмий-ижодий учрашув ўтказилди.

Унда таниқли олимлар, мураббий-устозлар иштирок этишди. Учрашув қатнашчилари давлатимизни равнақ топтиришнинг мақсад ва истиқболларини белгилаб берган Асосий Қонуннинг энг муҳим ҳуқуқий ҳужжат эканлигини алоҳида таъкидлашди.

М. ДИМЕТОВА.

ҲАЙДОВЧИЛАР УЧУН ҚУЛАЙЛИК

«Олмалиқ кон-металлургия комбинати» очиқ акциядорлик бирлашмаси тасарруфидаги Ангрен кон бошқармасининг автотранспорт бўлими барча шароитларга эга янги бинога кўчиб ўтди.

«Олмалиқ кон-металлургқурилиш» трести қурувчилари томонидан бунёд этилган уч қаватли бинода маъмуриятдан ташқари умумий овқатланиш, савдо ҳамда маиший хизмат бўлимлари ҳам жойлашган. Шунингдек, бу ерда автотранспорт воситаларига техник хизмат кўрсатиш ва таъмирлаш цехи ҳам иш бошлади.

Мунаввара ИСОҚУЛОВА.

БАРЧА САЪЙ-ҲАРАКАТЛАРИМИЗ – МАМЛАКАТИМИЗ ТАРАҚҚИЁТИНИ ЯНГИ БОСҚИЧГА КЎТАРИШ, ОДАМЛАРИМИЗНИНГ ҲАЁТ ДАРАЖАСИНИ ЮКСАЛТИРИШГА ҚАРАТИЛГАН

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Тошкент вилояти сайловчилар вакиллари билан учрашувдаги нутқи

Қуролли Кучларимиз қудратини ошириш, мамлакатимизнинг мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш, сарҳадларимиз дахлсизлигини таъминлаш, шу мақсадда ҳарбий хизматчилар ва уларнинг оилаларини ижтимоий ҳимоя қилиш, турар-жой ва маиший шароитларини янада яхшилаш, маошлари миқдорини кўпайтириб бориш ва ҳар томонлама рағбатлантириш бу соҳадаги ишларимизда етакчи ўрин эгаллайди.

Еттинчидан. Халқимизнинг реал даромадлари ва фаровонлигини ошириш, муҳим ижтимоий дастурларни жорий этиш бундан буён ҳам фаолиятимизнинг асосий йўналишини ташкил этади. Бу соҳада қандай изчиллик билан иш олиб бораётганимиз ҳақида хабардорсиз. Жумладан, 2007 йилнинг ўзида, инфляция – яъни нарх ошиши даражаси 7 фоиздан ошмаган ҳолда, ўртача маош миқдори 56 фоизга ўсганини таъкидлаш лозим.

Агарки, маошларимиз кўпайишини шундай суръатлар билан давом эттирсак, ўйлайманки, 2008-2009 йилларда оладиган ойликларимиз, насиб этса, камида 2 карра ошади.

Бугунги кунда энг долзарб вазифамиз бўлмиш янги иш ўринлари ташкил этиш, соғлиқни сақлаш, оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, кекса авлод вакилларини, ёш оилаларни қўллаб-қувватлаш, муҳтож тоифаларга эътибор ва ғамхўрликни кучайтиришга қаратилган ижтимоий ҳимоя сиёсати янги босқичда давом эттирилади.

Фурсатдан фойдаланиб, шу масала бўйича баъзи бир мисолларга яна бир бор диққатингизни тортмоқчиман.

Ижтимоий соҳага йўналтирилган маблағларнинг давлатимиз бюджети умумий харажатларидаги улуши 2006 йилда 51,9 фоизни, 2007 йилда 53,8 фоизни ташкил этди. 2008 йилда эса, бу кўрсаткич 54,6 фоиз даражасида бўлиши белгилаб қўйилган.

Собиқ иттифоқ ҳудудида бундай кўрсаткичлар биронта давлатда учрамаслигини аниқ айтишим мумкин.

Бизнинг дастуримизда қишлоқ аҳолисининг турмуш даражасини юксалтириш масаласига алоҳида аҳамият берилган.

Ер унумдорлиги, унинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ҳисобидан соҳанинг рентабеллиги ва самарасини янада ошириш, қишлоққа саноатни, хизмат ва сервис шохобчаларини олиб кириш, замонавий қайта ишлаш корхоналарини барпо этиш доимий эътиборимиз марказида бўлади.

Саккизинчидан. Таълим соҳасидаги миллий дастурларимиз ижросини тўла якунига етказиш, ёшларимизни бизга бегона бўлган зарарли оқимлардан асраб, замонавий билим ва тажрибага, ўз мустақил фикрига эга, маънавий юксак, комил инсонлар этиб вояга етказиш, уларнинг жамиятимизда мустаҳкам ва муносиб ўрин эгаллаши учун барча куч ва имкониятларимизни сафарбар этамиз.

Тўққизинчидан. Маданий ва маърифий соҳаларда амалга ошираётган ишларимизнинг таъсири ва самарасини кучайтириш бизнинг фаолиятимизда муҳим ўрин эгаллайди.

Бу борада юртимиздаги таълим даргоҳлари, илм-фан, маданият ва санъат масканларида хизмат қилаётган ўқитувчи ва домлалар, илмий ходимлар, ижодкор зиёлиларни, санъат ва маданият намояндаларини қўллаб-қувватлаш, моддий ва маънавий жиҳатдан рағбатлантириш, уларнинг истеъдодини рўёбга чиқариш учун шароит яратиб беришни биз ўзимизнинг устувор вазифамиз, деб биламиз.

Ўнинчидан. Ана шундай улуғвор мақсадларни амалга ошириш учун бел боғлаган эканмиз, албатта, бирдамлик ва меҳр-оқибат, албатта, шижоат ва қатъият қалбимиздан, кундалик ҳаётимиздан чуқур жой олиши керак.

Муҳтарам юртдошлар!

Кўриб турибсизки, бизнинг ўз олдимизга қўйган мақсадларимиз ғоят улкан ва масъулиятли бўлиб, уларнинг асосий маъно-мазмуни, мухтасар айтганда, бугунги кунимиз ва эртанги ҳаётимизни янада яхшилаш, инсон манфаатини устун деб биладиган фуқаролик жамияти барпо этишдан иборат.

Шу билан бирга, бу дастурда бутун мамлакатимиз, жумладан, Тошкент вилоятига ҳам бевосита дахлдор бўлган долзарб вазифаларни амалга ошириш, энг асосийси, жойларда ҳали-бери ечилмасдан, одамларни қийнаб келаётган масалаларни ҳал этиш бўйича аниқ ёндашувлар ҳам ўз ифодасини топган.

Шу боис Тошкент вилоятининг бугунги ривожи, қўлга киритилаётган ютуқ ва натижалари билан бирга, олдимизда турган вазифалар, мавжуд муаммоларни бартараф этиш йўллари, истиқбол режаларимиз ҳақида атрофлича фикрлашиб олсак, ўйлайманки, мақсадга мувофиқ бўлади.

Ҳурматли дўстлар!

Оллоҳ таоло юртимизга қандай бебаҳо неъмат ва бойликлар ато этган бўлса, уларнинг барча-барчаси мана шу Тошкент воҳасида мужассам эканини кўп-кўп мисолларда яққол кўриш мумкин.

Бу кўҳна заминдаги қадимий шаҳристонлар, қалъа ва кўрғонлар, меъморий обидалар, шу табаррук тупроқда излари қолган Занги ота ва Хожа Аҳрор Валий, Шайх Умар Боғистоний ва Сулаймон Банокатий сингари азиз-авлиё ва мутафаккир зотларнинг қутлуғ мероси бу диёр асрлар давомида маънавиятимизнинг муқаддас бешикларидан бири бўлиб келганини кўрсатади.

Бу ердаги гўзал табиат, улкан табиий захиралар, серҳосил дала ва боғлар, ривожланган суғориш ва ишлаб чиқариш тармоқлари, замонавий шаҳар ва қишлоқлар Тошкент вилоятининг нақадар катта имкониятларга эга эканидан далолат беради.

Лекин ҳаммамиз яхши биламизки, жамиятнинг ҳақиқий бойлиги – бу аввало инсон, инсон авлодидир. Шу маънода, эл-юртига, Ватанига садоқатли, имон-эътиқоди бутун, малакаси етук, маънавияти юксак инсонлар мамлакатимизнинг асосий куч-қудрат манбаидир, десак, янглишмаган бўламиз.

Тошкент вилоятида яшаб меҳнат қилаётган кўпмиллатли, бағрикенг ва бунёдкор халқ айнан ана шундай эзгу фазилатлари билан бутун юртимизда обрў-эътибор қозониб келмоқда.

Бир сўз билан айтганда, Тошкент вилояти улкан иқтисодий, ижтимоий ва маънавий салоҳияти билан ҳақиқатан ҳам пойтахт вилояти деган номга ҳар томонлама муносибдир, десак, айни ҳақиқатни айтган бўламиз.

Қадрли юртдошлар!

Кейинги йилларда, бутун мамлакатимизда бўлгани каби, Тошкент вилояти иқтисодиётида ҳам изчил ривожланиш суръатлари кўзга ташланмоқда. Буни 2000-2006 йиллар мобайнида вилоятда ялпи ҳудудий маҳсулот 1,4 баробарга кўпайгани, аҳолининг реал даромадлари жон бошига 2,6 баробар, шу йилнинг 9 ойи мобайнида эса қарийб 30 фоиз ўсгани ҳам яққол кўрсатиб турибди.

Маълумки, Тошкент вилояти – мамлакатимизнинг табиий захираларга бой ҳудудларидан биридир. Ҳозирги пайтда бу саноатли заминда 124 та кон мавжуд бўлиб, улардан олтин ва кумуш, мис ва қўрғошин, молибден ва рух, кўмир каби ноёб металл ва хом ашёлар қазиб олинади.

Айни пайтда Тошкент вилояти мамлакатимизнинг йирик саноат минтақаларидан бири ҳисобланади. Қайси соҳани олмайлик – бу ҳар қандай иқтисодиётнинг негизини белгилаб берадиган тоғ-кон металлургияси бўладими, ёқилғи-энергетика ёки кимё саноати бўладими, қайта ишлаш тармоғи бўладими – мамлакатимиз ва ундан ташқарида ҳам машҳур бўлган катта корхоналар айнан шу минтақада жойлашганини кўриш мумкин.

Шулар қаторида Олмалиқ кон-металлургия комбинати, Ўзбекистон металлургия комбинати, "Оҳангаронцемент", "Бекободцемент", "Аммофос", "Ўзбеккўмир", "Оҳангаронширифер" акциядорлик жамиятлари, Ангрен иссиқлик электр станцияси, "Спентекс-Тўйтепатекстиль" қўшма корхонаси сингари йирик ишлаб чиқариш мажмуалари нафақат вилоят, балки республикамиз саноатида етакчи ўрин тутади.

Вилоятда саноат маҳсулоти ишлаб чиқариш ҳажми охирги олти йилда 1,6 баробар ёки йилига ўртача 8 фоизга ўсгани, унинг ялпи ҳудудий маҳсулот таркибидаги улуши бугунги кунда 38 фоизни ташкил этгани айниқса эътиборга лойиқ.

Ҳеч шубҳасиз, бундай ижобий натижаларга эришишда соҳада меҳнат қилаётган қарийб 210 минг нафар ишчи ва муҳандислар, мутахассис ва техник ходимларнинг муносиб ҳиссаси борлигини алоҳида таъкидлаш ўринлидир.

Ана шу вақт ичида вилоятда жами 1 триллион 300 миллиард сўмлик инвестиция ўзлаштирилгани, унинг ҳажми жорий йилнинг тўққиз ойи мобайнида 316 миллиард сўмдан иборат бўлиб, ўтган йилга нисбатан 1,3 баробар ортгани бу борада амалга оширилаётган катта ишлар кўламидан далолат беради.

Энг муҳими, бундай ўзгаришлар турли соҳа ва тармоқларда янги иш ўринларининг яратилиши, аҳоли даромадларининг сезиларли даражада кўпайишига имкон бермоқда. Кейинги олти йил давомида вилоят бўйича 247 мингта, жорий йилнинг ўтган даврида эса 50 мингдан ортиқ янги иш ўрни ташкил этилгани ҳам бу фикрни тасдиқлайди.

Муҳим иқтисодий кўрсаткичлардан бири бўлган экспорт масаласини оладиган бўлсак, мустақиллик йилларида вилоятда экспорт ҳажми 30 баробарга ўсгани, жорий йилнинг 9 ойи мобайнида бу рақам 1,5 баробарга кўпайиб 1,2 миллиард АҚШ долларини ташкил этганини мамнуният билан қайд этиш лозим.

Ўзининг ишбилармонлик ва тадбиркорлик фазилатлари билан кенг танилган вилоят аҳли кейинги йилларда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасида ҳам салмоқли натижаларни қўлга киритмоқда. Бугунги кунда вилоятда 34 мингдан зиёд кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик субъекти фаолият кўрсатаётгани ва уларнинг ялпи ҳудудий маҳсулотдаги улуши 38 фоизга етгани ана шу ўрта синф вакилларининг тобора кучга тўлиб бораётганининг амалий намоёнидир.

Айни пайтда қишлоқ хўжалиги соҳасида олиб бораётган чуқур ислоҳотларимиз, жумладан, соҳада ҳал қилувчи куч бўлган фермерлик ҳаракатига кенг йўл очиб берганимиз вилоятда ўзининг ижобий самарасини бермоқда. Бу авваламбор етакчи тармоқлар бўлмиш пахтачилик ва ғаллачиликда яққол кўзга ташланмоқда.

Вилоятнинг эришган марралари ҳақида гапирганда, бир мисолга эътиборингизни қаратмоқчиман. Агар 1991 йилда вилоятда 62 минг тонна ғалла тайёрланган бўлса, ҳозирги пайтда бу кўрсаткич 7 баробардан зиёд кўпайиб, 443 минг тоннадан ошиб кетди.

Жорий йилда вилоят деҳқонларининг пешона тери билан 275 минг тонна пахта хом ашёси олишга эришилди.

Ўзингиз ўйланг, 1991 йилда етиштирилган пахта хом ашёси бу ернинг ўзида умуман қайта ишланмаган бўлса, эндиликда унинг 72 фоиздан ортиғи айнан вилоят ҳудудида қайта ишланмоқда.

Энг асосийси, бу соҳада фаолият кўрсатаётган 12 та корхона йилига 115 миллион доллар тайёр маҳсулотни экспорт қилмоқда ва 8,5 минг йигит-қизни иш билан таъминламоқда.

Азиз дўстлар!

Биз истиқлолнинг дастлабки кунларидан бошлаб жамиятимиздаги ҳар қандай янгиланиш, ҳар қандай ўзгариш аввало инсон учун, унинг ҳаётини фаровон этиш учун хизмат қилиши керак, деган ғояни ўз фаолиятимизнинг бош мақсади сифатида белгилаб олдик ва шу йўлда қандай улкан ишларни амалга оширганимиз, ўйлайманки, эл-юртимизга яхши маълум.

Бу ҳақда гапирганда, биринчи навбатда одамларнинг кундалик ҳаётига, кайфиятига бевосита таъсир кўрсатадиган ижтимоий соҳадаги ишларни кўз олдимизга келтиришимиз табиий, албатта.

Шу борада кейинги 10 йил мобайнида Тошкент вилояти бўйича 2 минг 330 километрдан зиёд сув тармоғи тортилиб, ўнлаб қишлоқ ва аҳоли пунктларига тоза ичимлик суви олиб борилганини қайд этиш лозим. Ана шундай амалий ҳаракатлар туфайли аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш даражаси яхшиланиб, ҳозирги кунда 83 фоиздан ошди.

Шу билан бирга, табиий газ билан таъминлаш бўйича ҳам кўп иш қилинмоқда. Мустақиллик йилларида вилоятдаги газ тармоқларининг узунлиги 1,5 баробарга, қишлоқ жойларда эса 2,4 баробарга ошгани, қишлоқ аҳолисини табиий газ билан таъминлаш даражаси 1991 йилда 32 фоиз бўлган бўлса, бугунги кунга келиб 83 фоизга етгани бу борада қандай улкан қадам қўйишга эришганимизни кўрсатади.

Халқимизнинг "Эл соғлиғи – юрт бойлиги" деган мақоли бежиз айтилмаган. Нега деганда, фақат соғлом миллат, соғлом халқ буюк ишларга қодир бўлади. Шунинг учун ҳам аҳоли саломатлигини мустаҳкамлаш масаласига мамлакатимизда устувор аҳамият берилмоқда. Бу борада Тошкент вилоятида ҳам эътиборга лойиқ ўзгаришлар юз бераётганини ҳар бир туман, шаҳар ва қишлоқлар, олис ва чекка ҳудудлар мисолида кўриш мумкин.

Ҳозирги кунда вилоятда 540 та тиббиёт муассасаси аҳолига малакали хизмат кўрсатмоқда. Улар орасида республика шошилинч тиббий ёрдам марказининг вилоят филиали, унинг шаҳар ва туманлардаги бўлимлари самарали фаолият олиб бораётганини алоҳида таъкидлаш лозим. Бу соҳадаги ишларни янги босқичга кўтариш мақсадида биргина шу йилнинг ўзида кўплаб тиббиёт муассасалари тубдан реконструкция қилинди, капитал ва жорий таъмирланди. Жумладан, Бекобод шаҳрида юқумли касалликлар шифохонаси қуриб фойдаланишга топширилди. Жанубий Кореянинг Саломатлик ва ривожланиш жамғармаси билан ҳамкорликда Ўртачирчиқ туманидаги болалар шифохонаси тубдан қайта таъмирланиб, замонавий асосда жиҳозланди.

Айни пайтда вилоятда 245 та қишлоқ врачлик пункти барпо этилган бўлиб, улар Жаҳон банкининг "Саломатлик-2" лойиҳаси асосида зарур тиббий ускуна ва жиҳозлар билан таъминланганини қайд этиш жоиз.

Юртимизда эркин ва обод, фаровон ҳаёт қуришда замонавий билим ва касб-ҳунарларни пухта эгаллаган, ҳеч кимдан кам бўлмаган ёш авлодни тарбиялаш масаласи нақадар масъулиятли вазифа эканини барчамиз яхши тушунамиз, албатта.

Ҳозирги вақтда вилоятдаги мавжуд 891 та мактабда 484 мингдан зиёд ўқувчи таълим олмоқда. Уларнинг бугуни кун талаблари даражасида билим ва тарбия олиши учун Мактаб таълимини ривожлантириш умуммиллий дастури доирасида кейинги йилларда 10 та янги мактаб қурилди ва 97 та мактаб капитал реконструкция қилинди. Шу билан бирга, Кадрлар тайёрлаш миллий дастурига мувофиқ, вилоятда 75 та касб-ҳунар коллежи, 4 та академик лицей барпо этилди.

Ўзбекистонда жисмоний тарбия ва спортга қанчалик катта эътибор берилаётгани барчамизга яхши маълум. Бу борада Тошкент вилоятида ҳам кўплаб ижобий ишлар амалга оширилмоқда. Бу ерда фаолият кўрсатаётган 4 мингдан ортиқ спорт иншооти аҳоли, айниқса, ёшларимизни оммавий спортга жалб этишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Яратилган ана шундай шарт-шароитлар туфайли вилоят ёшлари орасидан истеъдодли спортчилар етишиб чиқмоқда. Уларнинг нуфузли халқаро мусобақаларда юксак ғалабаларни қўлга киритаётгани ҳаммамизни албатта хурсанд қилади.

Жумладан, таэквондо бўйича жаҳон биринчилиги ғолиби Азамат Шаропов, эркин кураш бўйича ёшлар ўртасида жаҳон чемпиони Шукуржон Дадажонов, кикбоксинг бўйича олтин медаль соҳиби Нодир Шарипов, оғир атлетика бўйича кўплаб нуфузли мусобақалар ғолиби Баҳодир Бурҳонов сингари ўғлонларимизга бугун мамлакатимиздаги минг-минглаб тенгдошлари ҳавас билан қараб, улардан ўрнак олишга интилмоқда, мунтазам равишда спорт билан шуғулланиб, ўз соғлиғи ва иродасини мустаҳкамламоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Тошкент вилояти турли соҳаларда эришаётган марра ва ютуқлар ҳақида гапирганда, шу элнинг муносиб вакиллари – Ўзбекистон Қаҳрамонлари, моҳир экскаваторчилар Жонсаид Турдиев ва Саидали Раҳмонов, шулар қаторида меҳнатда фидойилик кўрсатаётган уста металлург Марат Валиев, миришкор фермер Малик Каримов, фидойи муаллима Сабоҳат Раззоқова, жонкуяр шифокор Лидия Чижова, истеъдодли шоир Маҳмуд Тоиров, тажрибали журналист Собиржон Иномов, таниқли спортчилар Рустам Саидов ва Дилшод Мансуров сингари юртдошларимизнинг номларини ҳурмат билан тилга оламиз.

Мен бугунги фурсатдан фойдаланиб, ўз ҳаётини шу замин билан, унинг тақдири ва эртанги куни билан боғлаган, вилоятда амалга оширилаётган улкан ўзгаришларга муносиб ҳисса қўшаётган барча-барча инсонларга самимий миннатдорчилик билдиришни ўзимнинг бурчим, деб биламан.

Муҳтарам дўстлар!

Энди, ижозатингиз билан, Тошкент вилоятини яқин келажакда ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришга қаратилган янги режалар ва йирик лойиҳалар ҳақида қисқача тўхталиб ўтмоқчиман.

Авваламбор, аҳолининг энг муҳим кундалик эҳтиёжи бўлмиш тоза ичимлик суви таъминотини яхшилаш масаласида қатор ишларни амалга ошириш кўзда тутилмоқда. Жумладан, шу мақсадда Хитой ҳукуматининг кредити ҳисобидан Чиноз, Зангиота ва Тошкент туманлари, қисман Янгийўл туманида сув қувурларини реконструкция қилиш белгиланмоқда. Келгуси йилдан бошлаб амалга ошириладиган бу лойиҳанинг қиймати қарийб 27 миллион долларни ташкил этади.

Умумий қиймати 35 миллион доллардан зиёд бўлган яна бир лойиҳа – Туябўғиз-Бекобод сув қувурини барпо этиш учун Осиё тараққиёт банки кредити жалб этилади. Шунинг ҳисобидан яқин уч йилда биз Бекобод шаҳри, Бўка ва Бекобод туманлари аҳолиси ва ён-атрофдаги қишлоқларни сифатли ичимлик суви билан таъминлаш имконига эга бўламиз.

Шу билан бирга, вилоят аҳолисининг марказлаштирилган канализациядан фойдаланишини яхшилаш учун Хитой ҳукуматининг кредити асосида Чирчиқ шаҳри, Бўстонлиқ тумани ва Чимён-Чорвоқ дам олиш зонасида оқава сувларни тозалаш бўйича 5,2 миллион долларлик лойиҳа амалга оширилади. Бунинг натижасида Тошкент вилоятида яшаётган 190 мингдан ортиқ аҳолининг марказлаштирилган канализация тизимидан фойдаланиш имконияти туғилади.

Шу борада коммунал хўжалиги соҳасида ҳам ислоҳотларни давом эттириш кўзда тутилмоқда.

Вилоятда охирги уч йил давомида 1991 йилгача қурилган 2 минг 946 та кўпқаватли уй капитал таъмирланиб, бу ишлар учун 34 миллиард сўм маблағ сарфланди.

Келгусида бу борадаги ишларни изчил давом эттирган ҳолда, яқин уч йил ичида 1 минг 140 та ана шундай уйни таъмирлаш кўзда тутилмоқда. Бу мақсадлар учун ҳаммаси бўлиб 10 миллиард сўмдан зиёд маблағ йўналтирилади.

Шунингдек, вилоятда уй-жой қурилиши соҳасини ривожлантиришга қаратилган аниқ чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда. Жумладан, биргина 2008 йилнинг ўзида Бекобод, Чирчиқ ва Ангрен шаҳарларида ёш оилалар учун ипотека кредити асосида ҳар бири 32 та хонадонга мўлжалланган 6 та кўпқаватли уй қурилади.

Вилоятда келгуси икки йил мобайнида 750 минг квадрат метр, жумладан, қишлоқ жойларда 480 минг квадрат метрдан иборат уй-жой қуриш учун 30 миллиард сўм сарфланиши режалаштирилмоқда.

Табиийки, бу ишларни амалга ошириш учун тегишли қурилиш материаллари, авваламбор, пишиқ ғишт керак бўлади. Ҳозирги кунда вилоятдаги мавжуд 66 та ғишт заводида йилига 227 миллион дона пишиқ ғишт ишлаб чиқарилмоқда. Бу борада ўсиб бораётган талабни қондириш мақсадида яқин икки йилда 50 миллион дона ғишт ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган 16 та ихчам завод барпо этиш кўзда тутилмоқда.

Яна бир муҳим йўналиш – амалдаги таълим дастурлари доирасидаги ишларимизни изчил давом эттиришдан иборат. Жумладан, келгуси икки йилда вилоятда 40 та касб-ҳунар коллежи, 2 та академик лицей, 22 та янги мактаб қурилади, 134 та мактаб эса капитал реконструкция қилинади. Ушбу мақсадлар учун инвестиция дастури доирасида қарийб 151 миллиард сўм маблағ сарфлаш мўлжалланмоқда.

Айни пайтда Ислом тараққиёт банкининг 1,3 миллион долларлик имтиёзли кредити асосида 2008 йилда Оҳангарон ва Бўка туманларида ҳар бири 315 ўқувчига мўлжалланган иккита мактаб қуриш белгиланган.

Ана шундай саъй-ҳаракатларимиз натижасида 2010 йилга бориб вилоятда 85 ярим минг ўқувчи ўрнига эга бўлган 136 та касб-ҳунар коллежи ва 6 та академик лицей ҳамда 437 мингдан ортиқ ўқувчига мўлжалланган 893 та мактаб фаолият кўрсатади.

Яна бир устувор вазифа – коммуникация масаласи, яъни янги йўллар қуриш, мавжуд бўлган йўлларни таъмирлаш билан боғлиқ. Автомобиль йўллари қуришнинг 2010 йилгача мўлжалланган концепциясига мувофиқ, вилоятнинг транзит салоҳиятини ошириш, 62 километр йўлни халқаро талаблар даражасида реконструкция қилиш, 73 километрдан зиёд автомагистрални эса таъмирлаш кўзда тутилмоқда.

Ҳозирги вақтда 120 миллиард сўм маблағ ҳисобидан Тошкент ва Сирдарё вилоятлари ўртасидаги масофани 61 километрга камайтириш имконини берадиган, уларни ўзаро боғлайдиган янги йўл қурилиши бошлаб юборилди. Бу йўл мамлакатимизнинг бошқа минтақаларидан Тошкент ва Фарғона водийси вилоятларига келувчиларнинг транспорт харажатлари, энг муҳими, вақтини сезиларли даражада тежаш имконини беради.

2008 йилнинг охирига бориб, 114 километрлик Тошкент-Ангрен электрлаштирилган темир йўл участкаси фойдаланишга топширилади. Умумий қиймати 69 миллиард 400 миллион сўм бўлган бу лойиҳа амалга оширилгач, ушбу йўналишда темир йўл харажатлари 35-40 фоизга камаяди.

Олдимизда турган вазифаларимиздан энг муҳими – вилоятдаги ҳайдаладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини юксалтиришдан иборат. Бу мақсадлар учун яқин беш йил мобайнида Мелиорация жамғармаси томонидан 26 миллиард сўм маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Келгуси йили "Уртуқли", "Ерликоп" зовур тармоқлари тубдан қайта таъмирланади, мавжуд мелиоратив қудуқлар, насос станциялари мукаммал созланади. Натижада Бекобод ва Бўка, Чиноз ва Янгийўл туманларидаги 12 минг гектардан зиёд кучли ва қисман шўрланган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилашга эришамиз.

Бундан ташқари, Жаҳон банки ва Осиё тараққиёт банкининг 12,5 миллион долларлик кредити ҳисобидан Оҳангарон, Бўка ва Қуйичирчиқ туманларида ҳам бу борада тегишли тадбирлар амалга оширилмоқда.

Навбатдаги муҳим йўналиш – энергетика соҳаси бўйича режалаштирилган йирик лойиҳалар ҳақида алоҳида тўхталиб ўтмоқчиман.

Шу борада Қибрай туманидаги Тошкент иссиқлик электр станциясининг буғ-газ қурилмасини қуриш ва модернизация қилиш ишларига келгуси йилдан бошлаб Япония ҳукуматининг 221 миллион долларлик имтиёзли кредитини йўналтириш, Ўзбекистон тикланиш ва тараққиёт жамғармаси томонидан эса 70 миллион доллар маблағ ажратилиши кўзда тутилмоқда.

Бу ўз навбатида ушбу корхонада 370 меговатт қувватга эга бўлган буғ-газ қурилмаси негизида янги энергия ишлаб чиқариш технологияларини жорий этиш ва ёқилғи сарфини 22 фоизга камайтириш имконини беради. Шунингдек, табиий газни тежаш ҳисобидан йилига 55 миллион доллар иқтисодий самара олинади.

2009 йилдан бошлаб биз умумий инвестициялар ҳажми 400 миллион доллар бўлган Янги Ангрен иссиқлик электр станцияси қозонларини йил давомида кўмир асосида ишлашга ўтказишга қаратилган лойиҳани амалга оширишга киришамиз.

Шу тариқа биз йилига 220 миллион долларга тенг 1,3 миллиард куб метр газни тежаш ва уни экспорт қилиш имконига эга бўламиз. Бундан ташқари, ҳар йили электр энергияси ишлаб чиқаришни 9-10 миллиард киловаттгача кўпайтиришга эришамиз.

Ушбу корхонани кўмир билан узлуксиз таъминлаш мақсадида "Ангрен" конини техник жиҳатдан қайта жиҳозлаш учун 243 миллион доллар хорижий инвестиция жалб этиш мўлжалланмоқда. Мазкур лойиҳани амалга ошириш натижасида 2012 йилга бориб, кўмир қазиб олишни 3 баробарга кўпайтириш ва унинг миқдорини йилига 11 миллион тоннагача етказиш имкони яратилади.

Шу билан бирга, вилоят ҳудудида Фарғона водийси йўналиши бўйлаб умумий узунлиги 150 километрдан ортиқ бўлган 500 киловатт электр қуввати узатиш линияси қурилишига 100 миллион доллардан ортиқ инвестиция киритиш назарда тутилмоқда.

Шунингдек, Оҳангарон сув омбори қошидаги иссиқлик электр станциясини модернизация қилиш ва энергия ишлаб чиқариш ҳажмини ошириш бўйича лойиҳа ишлаб чиқилган. Унинг қиймати 23 миллион доллардан зиёд бўлиб, шундан қарийб 6 миллион доллари Хитой Эксимбанкининг имтиёзли кредити ҳисобидан молиялаштирилади.

Мухтасар айтганда, вилоятнинг етакчи тармоқларидан бири бўлган энергетика соҳаси корхоналарига кейинги 5 йилда жами 1 миллиард доллардан ортиқ сармоя жалб этилиши мўлжалланмоқда.

Ўзбекистон металлургия комбинатида модернизация ва технологик қайта жиҳозлаш ишларини амалга ошириш асосида йилига 500 тонна миқдорида пайвандлаш электродлари ҳамда 6 минг тонна металл сим ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Шу мақсадда яқин уч йилда 37 миллиард сўм маблағ йўналтирилиб, 160 та қўшимча иш ўрни яратилади.

Шулар қаторида Чирчиқ шаҳридаги Ўзбекистон ўтга чидамли ва қийин эрийдиган металлар комбинатида ишлаб чиқаришни кенгайтириш бўйича катта ишлар режалаштирилмоқда.

Ҳозирги вақтда Ингичка ва Яхтон, Саутбой, Қўйтош ва Лангар ҳудудларида янги вольфрам конларини босқичма-босқич ўзлаштириш ва эскиларини тиклаш ҳисобидан ушбу комбинат фаолиятини кенгайтириш бўйича зарур чора-тадбирлар ишлаб чиқилмоқда.

Бугунги кунда жаҳон бозорида вольфрамга бўлган талабнинг ошиб бораётгани бу корхонанинг экспорт салоҳияти ва иқтисодий самарадорлигини бир неча баробарга кўтариш учун қулай имконият яратади.

Айни пайтда вилоятдаги йирик кимё корхоналарида ҳам муҳим истиқболли лойиҳалар амалга оширилади. Сизларга маълумки, биз жаҳондаги нуфузли "Максам" трансмиллий компаниясини 75 миллион долларлик сармояси билан 2006 йилда Чирчиқдаги "Электркимёсаноат" заводига акциядор сифатида жалб этган эдик. Ўзбекистоннинг Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси бу компания сармоядорлари билан биргаликда ушбу заводни реконструкция ва модернизация қилиш бўйича иш олиб бормоқда.

2008 йилнинг охирига бориб "Максам-Чирчиқ" очиқ акциядорлик жамиятида йирик ҳажмдаги аммиак агрегати реконструкция қилинади. Бу эса агрегат қувватини йилига 1,7 баробар ошириш, 1 тонна аммиак учун сарфланадиган табиий газ сарфини 400 куб метрга, аммиак таннархини эса 20 фоизга камайтириш имконини беради.

Навбатдаги устувор йўналиш – вилоятда тўқимачилик саноатини ривожлантиришдан иборат. Шу мақсадда яқин икки йилда 16 та лойиҳа асосида 120 миллион доллардан зиёд хорижий инвестиция жалб этиш, Ангрен ва Бекобод, Чирчиқ ва Янгийўл шаҳарлари, Оҳангарон ва Бўка, Қибрай ва Тошкент, Янгийўл ва Пскент туманларида 11 мингдан ортиқ иш ўрни яратиш мўлжалланмоқда.

Албатта, бу рўйхатни яна давом эттириш мумкин. Энг муҳими, аниқ ҳисоб-китоб ва ечимга эга бўлган бу режа ва лойиҳалар ягона мақсадга, яъни мамлакатимиз, жумладан, Тошкент вилояти иқтисодиётини янада ривожлантириш, шу асосда бу ерда яшаётган одамларнинг ҳаёт даражаси ва сифатини оширишга қаратилгани барчамизга мамнуният бағишлайди.

Азиз дўстлар, қадрдонларим!

Бугун халқимиз, мамлакатимиз буюк ўзгаришлар арафасида турибди. Биз бугун ўз кучи ва салоҳиятига ишонган, эркин, мустақил ва қудратли давлат сифатида дунё ҳамжамиятидан тобора мустаҳкам ўрин эгалламоқдамиз.

Ҳаётда кўп синов ва машақатларни кўрган, доимо изланиб, янгиликка интилиб яшайдиган Тошкент вилояти аҳли мана шу йўлда бутун халқимиз қатори ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Шундай инсонлар билан бирга бўлиб, уларнинг қувонч ва ташвишларига шерик бўлиш, оғирини енгил қилиш, эзгу мақсад-муддаоларини рўёбга чиқариш йўлида бундан буён ҳам бор куч-ғайратим, билим ва тажрибамни аямасдан хизмат қилишни мен ўзим учун катта шараф деб биламан.

Сизларга яна бир бор ўзимнинг самимий ҳурматимни билдириб, барчангизга, сизлар орқали бутун вилоят аҳлига сиҳат-саломатлик, бахт ва омад, хонадонларингизга файзу барака тилайман.

(Давоми. Боши 1-бетда).

МУРУВВАТ

Тошкент тумани кўзи ожизлар жамияти ташаббуси ва «CANDART DAEWOO» хусусий корхонаси ҳомийлигида тадбир ташкил этилди.

Унда кўзи ожизлар бир пиёла чой устида суҳбатлашиб, мазмунли дам олишди. Ҳомийлар томонидан озиқ-овқат маҳсулотлари улашилди. Санъаткорларнинг чиқишлари тадбирга ўзгача файз киритди.

Хуршида МЎМИНОВА.

БОЛАЖОНЛАРГА ҚУВОНЧ

Жиззах давлат қўғирчоқ театри Тошкент тумани маданият ишлари бўлими билан ҳамкорлик қила бошлаганига ҳадемай икки йил тўлади.

Бу йил театр жамоаси туманга янги спектакль билан ташриф буюрди. Гулчеҳрабонунинг «Бўлинганни бўри ер» эртаги асосида Рустам Алиев сахналаштирган асар 16-боғча тарбияланувчилари эътиборига ҳавола этилди. Эртакдаги персонажлар болажонларни чинакам сеҳрли оламга олиб кирди.

Феруза ТЎРАЕВА.

ҲАЁТИМИЗНИНГ АСОСИЙ ҚОНУНИ

Ҳар бир мамлакат ва жамият тарихида шундай улуғ кунлар борки, уларнинг аҳамияти ва қадри давр ўтган сари ортиб бораверади. Халқимиз сиёсий ва ижтимоий-ҳуқуқий тафаккурининг самараси – Конституциямиз қабул қилинган кун ана шундай тарихий саналар жумласига киради.

Конституция фуқаролик жамияти ва ҳуқуқий давлат хусусиятларига хос бўлган инсонпарварлик, демократия ва ижтимоий адолатлилик, халқ ҳокимиятчилиги, давлат ҳокимиятининг қонун чиқарувчи, ижро этувчи ва суд ҳокимиятига бўлиниши, Конституция ва қонунларнинг устуворлиги, шахсий дахлсизлик, мулкнинг дахлсизлиги, фикрларнинг хилма-хиллиги каби сиёсий, иқтисодий ва ижтимоий ҳаётдаги муҳим масалаларни ҳал қилувчи тамойил ва меъёрларни қонуний йўл билан белгилаб берди.

Конституциямизнинг «Инсон ва фуқароларнинг асосий ҳуқуқлари, эркинликлари ва бурчлари»га бағишланган бўлимида ҳуқуқлар уч гуруҳга – шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар, сиёсий ҳуқуқлар ҳамда иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқларга бўлинган.

«Шахсий ҳуқуқ ва эркинликлар» бобида инсонларнинг яшаш ва эркинлик ҳуқуқи, шахсий дахлсизлик ва тураржой дахлсизлиги ҳуқуқи, айбсизлик презумпцияси, Ўзбекистон Республикаси фуқаросининг мамлакат ҳудудида бир жойдан иккинчи жойга кўчиши, Ўзбекистон Республикасига келиш ва ундан чиқиш, фикрлаш, сўз ва эътиқод, виждон эркинлиги каби қатор ҳуқуқлари белгиланган.

«Иқтисодий ва ижтимоий ҳуқуқлар» деганда ҳар кимнинг мулкдор бўлиш, меҳнат қилиш ва ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқи, фуқароларнинг қариганда, меҳнат лаёқатини йўқотганда, шунингдек боқувчисидан маҳрум бўлганда ва қонунда назарда тутилган бошқа ҳолларда ижтимоий таъминот олиш, малакали тиббий хизматдан фойдаланиш, билим олиш, маданият ютуқларидан фойдаланиш ҳуқуқи, илмий ва техникавий ижод эркинлигини кафолатловчи қоидаларни тушуниш лозим.

«Сиёсий ҳуқуқлар» бобида эса Ўзбекистон Республикаси фуқароларининг ўз ижтимоий фаолликларини митинглар, йиғилишлар ва намойишлар шаклида амалга ошириши, касаба уюшмаларига, сиёсий партияларга ва бошқа жамоат бирлашмаларига уюшиш, оммавий ҳаракатларда иштирок этиш, ваколатли давлат органларига, муассасаларига ёки халқ вакилларига ариза, таклиф ва шикоятлар билан мурожаат қилиш ҳуқуқлари ва, энг асосийси, фуқароларнинг жамият ва давлат ишларини бошқаришда бевосита ҳамда ўз вакиллари орқали иштирок этиш ҳуқуқи кафолатланган. Конституциянинг 32-моддасига кўра, бундай иштирок этиш ўзини ўзи бошқариш, референдумлар ўтказиш ва давлат органларини демократик тарзда ташкил этиш йўли билан амалга оширилади.

Фуқароларнинг сайлов ҳуқуқлари борасида гап кетганда, шуни қайд этиш лозимки, 1948 йилда қабул қилинган Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси очиқ ва ошкора сайловларнинг фундаментал ва универсал ҳуқуқлари ҳамда демократик ҳукуматга эга бўлишни таъминлашдаги ролини эътироф этади. Унинг 21-моддасига кўра, ҳар бир инсон ўз мамлакатини бошқаришда бевосита ёки эркин сайланган вакиллар орқали иштирок этиш ҳуқуқига эга. Халқ иродаси бошқарувнинг асоси бўлиши ва у сайловларда ўз аксини топиши лозим.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларациясига ҳамоҳанг тарзда Ўзбекистон Республикаси Конституциясига «Халқ ҳокимиятчилиги», «Сиёсий ҳуқуқлар», «Сайлов тизими», «Жамоат бирлашмалари» деб номланган алоҳида боблар киритилган.

Конституциямизнинг 60-моддасида сиёсий партиялар турли табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода этиши ҳамда ўзларининг демократик йўл билан сайлаб қўйилган вакиллари орқали давлат ҳокимиятини тузишда иштирок этиш ҳуқуқлари қайд этилган. Айнан шу моддада давлатимиз сиёсий майдонидаги плюрализм, яъни кўпфикрлилик кафолатланиб, давлат органларига сайловларда қатнашишда, қандай табақа ва гуруҳларнинг сиёсий иродасини ифода этишдан қатъи назар, барча сиёсий партиялар бир хил имкониятларга эга эканликлари назарда тутилган.

Шу кунларда 23 декабрь куни ўтадиган Президент сайловига қизғин тайёргарлик кўрилаётир. Мазкур воқеа халқимиз иродасини намоён этиб, эртанги кунимизни, келажак тақдиримизни ўзимиз белгилашимизга имкон яратувчи демократик жараённинг амалдаги кўриниши бўлишига шубҳа йўқ.

Халқимиз Ватанга садоқат, эл-юртга бўлган ҳурмат, она замин гуллаб-яшнаши учун юксак масъулият туйғуси билан ажралиб туради. Ана шундай фидойи халқгина демократия ва ижтимоий адолатга асосланган жамият сари дадил қадам ташлаб, ўзининг порлоқ келажагини ярата олади.

Бахтиёр АТАМАТОВ,
вилоят адлия бошқармаси бошлиғи.

Ёнғин хавфсизлиги ойлиги

ХОТИРЖАМЛИК ЎЗ ҚЎЛИМИЗДА

Ёнғин катта моддий зарар етказиш билан бирга қанчалик мусибатлар келтиришини сўз билан ифодалаш мушкул. Афсуски, аксарият ҳолларда ёнғин айнан ўзимизнинг эътиборсизлик ва лоқайдлигимиз туфайли рўй беришини инкор этиб бўлмайди. Натижада инсон ҳаётдан бевақт кўз юмиши ёки жароҳатланиши мумкин. Бундан ташқари пешона тери тўкиб орттирилган молдунё саноқли дақиқаларда кўкка совурилади.

Шу йилнинг 10 ойи мобайнида вилоятда 1442 та ёнғин содир бўлди. Шулардан 981 таси фуқаролар яшовчи уй-жойларда юз берган. Ёнғинларда 14 киши ҳалок бўлиб, яна 55 нафари жароҳатланди.

Маълумки, республикамизда 15 ноябрдан 15 декабрга қадар «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ўтказилди. Ойлик давомида аҳоли орасида ёнғин хавфсизлиги қоидаларини тарғиб этиш мақсадида, маҳалла, ўқув юртлари, болалар боғчалари, даволаниш масканлари, корхоналар, истироҳат боғлари ва бошқа жамоат жойларида 1143 марта учрашувлар ташкил этилди.

Лекин олиб борилаётган ишларга қарамай, фуқароларнинг лоқайдлиги туфайли ёнғинлар камаймаяпти. Биргина мисол, Тошкент тумани Юнусобод қишлоқ фуқаролар йиғини, Мевазор кўчасида яшовчи фуқаро Р. Фозиловага қарашли уйнинг ҳаммомида печ мўрисининг носозлиги оқибатида ёнғин содир бўлиб, ҳаммом томи ва жиҳозлари ёниб кетган.

Ўт балосига учрамаслик учун ҳамиша ҳушёр бўлишимиз, хавфсизлик қоидаларига қатъий амал қилишимиз зарур. Ҳаётимиз осойишталиги ўз қўлимизда эканини ҳеч қачон унутмайлик.

Фахриддин АБДУМАВЛОНОВ,
вилоят ёнғин хавфсизлиги бошқармаси катта муҳандиси.

Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик

ЗАНГИОТАНИНГ ЧИПСЛАРИ МАЗАЛИ

Тошкент шаҳри ва вилоятидаги дўконлар пештахталарида янгича қадоқланган олмали чипс пайдо бўлди.

Уни татиб кўрган харидорларнинг таъкидлашича, янги маҳсулот ҳақиқатдан ҳам ўзгача таъм ва кўринишга эга. Харидорларга бундай маҳсулотларни Зангиота туманидаги «Иттифоқ» агросаноат фирмаси тақдим этмоқда.

Шуниси эътиборга моликки, корхона цехларига ўрнатилган технологик линиялар Европа мамлакатларидан келтирилган. Уларнинг тўлиқ қуввати йилига 3 минг тонна мева ва сабзавотларни қайта ишлашга етади. Баҳоси 6 минг евро турадиган мослама бир кунда 1,5-2 тонна олмани парраклаб бера олади.

Бу ерда мева ва сабзавот хом ашёси оддий йўл билан эмас, балки инфрақизил нурлар ёрдамида қуритилади. Бу усул тайёр маҳсулот таркибида барча фойдали витамин ва микроэлементларнинг сақланиб қолишида қўл келмоқда. Ишлаб чиқариш жараёнига бундай замонавий усулни жорий этиш борасида Паркент туманидаги «Қуёш-Физика» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси билан ҳамкорлик қилинаётир.

Хуршида НАЗАРОВА,
«Тошкент ҳақиқати» мухбири.

СУРАТДА:
оператор Мукамбар Мадалиева янги маҳсулотларни намойиш этмоқда.

Даврон АҲМАД олган сурат.

Бугуннинг гапи

Мулкдорлик масъулиятини чуқур ҳис этиш, барча агротехник тадбирларини вақтида ва сифатли ўтказиш, зараркунанда ва ҳашаротларга қарши тинимсиз кураш олиб бориш демакдир.

БОҒ ВА ТОКЗОРЛАРГА ЭЪТИБОР

Деҳқонларимизда ерга эгалик ҳиссини шакллантиришга қаратилган иқтисодий ислоҳотларнинг изчил амалга оширилиши натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида чуқур ўзгаришлар юз бермоқда. Қишлоқ меҳнаткашларининг дунёқараши ўзгармоқда, уларда ташаббускорлик, тадбиркорлик, ер ҳамда сув ресурсларига масъулият ва тежамкорлик билан муносабатда бўлиш каби фазилатлар янада яққол намоён бўлмоқда. Сўнгги йилларда мева, узум ва сабзавот экинларидан мўл ҳосил етиштиришга ҳам ер муносиб эгасини топганлиги туфайли эришилмоқда.

Бу борада вилоятимиздаги фермер хўжаликлари ҳам амалда қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришининг асосий тузилмасига, уни барқарор равожлантиришни таъминлашда етакчи кучга айланиб улгурди. Эндиги вазифа мавжуд ерлардан самарали фойдаланиш, мевазор ва токзорлардан мўл ҳосил олиш учун барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ва сифатли амалга оширишдан иборатдир.

Сир эмаски, бу йил кўпгина хўжаликларнинг боғ ва токзорларини қўйиткинак, девпечак, зарпечак ва бегона ўтлар босди. Бундай ўтларни йўқ қилиш, боғ ва узумзорларни зараркунандалар ва касалликлар таъсиридан сақлаш учун қуриган ва девпечак билан зарарланган шохшаббаларни кесиш ва уларни йиғиб, ёқиб юбориш зарур. Шунингдек, боғ ва токзорларда қатор ораларини сифатли қилиб шудгорлаш керак.

Шудгорлашдан олдин гектарига 30-40 тонна атрофида маҳаллий ўғит солиш мақсадга мувофиқдир. У етишмаган тақдирда менерал ўғитлардан фойдаланиш ҳам тавсия этилади. Кузги ва қишки тадбирлар амалга оширилаётган пайтда мевали дарахтларга ва токларга маҳаллий ва минерал ўғитлар бериш келгусида ҳосилнинг мўл бўлишини таъминлайди. Боғ оралаб зараркунанда ва касалликларга қарши яхоб сув бериш, ўсиш даврида тавсия қилинган миқдорда суғориш, дарахтлар танасини оҳак эритмаси билан оқлаш яхши натижа беради.

Шунингдек, боғдорчиликда юқори ва сифатли ҳосил олиш учун ҳашарот ва касалликларга қарши самарали курашиш муҳим аҳамиятга эга. Боғларга олма мевахўри, шира, бир неча турдаги каналар ва бошқа ҳашаротлар, ун шудринг, калмараз, бактериал қора рак, баргларга қўнғир доғлар тушиши, мева чириш каби касалликлар катта зиён етказади. Олма мевахўри асосан нок, беҳи, олхўри, шафтоли дарахтларига зарар етказади. Ушбу зараркунандалар совуқ пайтларда дарахт пўстлоғи ёриқларида, тўкилган барглар остида, омборхона ва мева асраладиган идишларда жон сақлайди. Ҳаво исигач, ғумбакка айланади. Ундан чиққан капалаклар дарахтларнинг барглари, новдалари ва ғўра меваларига тухум қўйиб, кўпаяди. Шу боис зараркунандаларга қарши курашишни иложи борича барвақт бошлаш керак. Мавсумда икки ва тўрт авлод берувчи сиёҳранг ҳамда Калифорния қалқондорлари мевали дарахтларга кўпроқ зарар келтиради. Улардан зарарланган дарахтларнинг ўсиши секинлашади, ҳосил миқдори ва сифати кескин пасайиб кетади, айрим ҳолларда қуриб қолади. Қизилқон ширасн фақат олма дарахти барги ва илдизлари билан озиқланиб, катта зарар келтиради. Дарахт новдаларида бўғимсимон қабариқлар ҳосил бўлади. Кейинчалик улар ёрилиб, яра ҳосил қилади ва новданинг, баъзан дарахтнинг хам қуриб қолишига олиб келади. Бу ширанинг яна бир хавфли томони шундаки, у мавсумда олти-саккиз авлод беради.

Мевали боғларнинг зараркунандаси каналардир. Улар мавсумда 12-15 авлод тарқатади. Канадан кучли зарарланган дарахт ҳосили ва сифати пасайиб кетади, баъзан ўсишдан тўхтайди. Куртакларнинг ривожланмай қолиши сабабли келгуси йил ҳосилига ҳам жиддий хавф туғдиради.

Олма, нок дарахтлари калмараз билан касалланганда мевалари таркибида қанд миқдори камлиги сабабли истеъмолга яроқсиз ҳолга келади. Барглари, ёш новдалари ёрилиб кетади. Каттароқ шохларнинг пўстлоқлари қурий бошлайди. Буларнинг барчаси дарахтнинг қуриб қолишига олиб келиши мумкин.

Ун шудринги билан касалланган ёш новдалар ўсишдан орқада қолади ва кам ҳосил беради. Дарахтлар зичлашиб қолганда бу касаллик айниқса хавфлидир.

Қора рак билан касалланган дарахтларнинг мевасида, бутоқ ва таналарида дастлаб оч кулранг, кейинчалик қорамтир кулранг доғлар пайдо бўлади. Касалланган дарахт қуриб қолади.

Токзорларда барвақт шакл бериш ва кўмиш, қатор ораларини ҳайдаш, яхоб суви бериш ва суғориш, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан озиқлантириш, ўз вақтида очиш ва кўтариш тавсия этилади. Оиднум, антракноз касалликларининг олдини олиш мақсадида 0,5 фоизли исо суюқлигини сепиш ва гектарига 30 килограмм олтингугурт кукунини чанглатиш керак.

Зараркунанда ва касалликларга қарши кимёвий ишлов беришда қишлоқ хўжалигида ишлатишга рухсат этилган дориларни қўллаш тавсия этилади. Боғларда комплекс таъсир қилувчи инсектоакарицидлар – гектарига 55 фоизли бир литр циперфос, 35 фоизли 2-4 литр залон, 57 фоизли 1,5 литр узмайт, 50 фоизли 1,5-3 литр неорон эритмалари ишлатилса, яхши натижа беради.

Ҳар бир фермер ва деҳқон хўжаликлари боғ ва токзорларимизда айни кунларда амалга оширилиши лозим бўлган ишларни тезроқ бажаришса, кўзланган мақсадга эришадилар.

Б. ШОДМОНҚУЛОВ,
вилоят ўсимликлар карантини давлат инспекцияси бошлиғи.

НАЗАРБЕК МАЪДАНЛИ СУВИ

«Ўзбекистон темирйўллари» давлат акциядорлик компаниясининг даволаш-санитария хизматларидан тизим ходимлари мамнун. Назарбек қўрғонидаги шифохона мажмуаси эса компаниянинг фахри саналади. 500 ўринга мўлжалланган бу улкан даволаш маскани фойдаланишга топширилганига 25 йил тўлди.

Ўтган чорак аср мобайнида унинг фаолият доираси кенгайиб, неврология, гастро-интерология, пульмонология, эндокринология каби бўлимлар очилди.

Бундан ташқари мазкур шифохона ҳудудида очилган, таркибида гидрокарбонат-хлорид натрий эритмаси бўлган шифобахш сувдан таянч ва ҳаракатланиш аъзолари, юрак-қон ва асаб тизимлари, ошқозон-ичак йўли ҳамда бошқа аъзолар хасталиклари билан оғриган беморларни даволашда фойдаланилмоқда. Беморлар сув ҳавзалари ва шифохона ҳовлисига ўрнатилган фавворалар орқали маъданли сувдан истаганча фойдаланишлари мумкин.

Бу ерда маъданли сувни ўрганиш бўйича илмий кузатувлар ҳам олиб борилмоқда.

Акбар АЛИЕВ.

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ЎРТА МАХСУС, КАСБ-ҲУНАР ТАЪЛИМИ БОШҚАРМАСИ

I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2005 йил 28 февралдаги "Академик лицейлар ва касб-ҳунар коллежлари директорларини танлаш ва тайинлаш ҳақидаги тартиби" Р-2146-сонли фармойишига асосан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор лавозимларига танлов эълон қилади:

Т/р	Таълим муассаса номи	Манзили
1.	Зангиота тиббиёт коллежи	Зангиота тумани, "Иттифоқ" фуқаролар йиғини, Шифокорлар кўчаси.
2.	Чирчиқ академик лицейи	Чирчиқ шаҳри, Истиқбол кўчаси, 2-а уй.

II. Ўзбекистон Республикаси олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Давлат тест маркази ҳамда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш вазирлиги ҳамкорлигида 2005 йил 28 мартдаги 1461-сонли "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълими муассасалари директор ўринбосарлари, педагог ва муҳандис-педагогларни бўш лавозимларини эгаллаш учун уларни танлов асосида танлаб олиш тўғрисидаги низомнинг янги таҳририни тасдиқлаш ҳақида"ги қарорига биноан қуйидаги таълим муассасаларининг вакант (бўш) бўлган директор ўринбосари лавозимларига танлов эълон қилади:

1. Директорнинг маънавият ва маърифат ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Бўка агросаноат КҲК;
2. Зангиота тиббиёт коллежи;
3. Тошкент тумани Абдурахмонов қишлоқ хўжалик КҲК;
4. Қибрай академик лицейи;
5. Бўка Бўстон қишлоқ хўжалик КҲК.

2. Директорнинг ўқув ишлари бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Бўстонлиқ қурилиш ва коммунал КҲК;
2. Олмалиқ кончилик КҲК.

3. Директорнинг касб-ҳунар таълими бўйича ўринбосари лавозимига:
1. Ангрен кўмир саноат КҲК;
2. Ангрен педагогика коллежи;
3. Ғазалкент хизмат кўрсатиш КҲК.

III. Танловда олий маълумотли, камида 5 йил олий ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимида педагогик иш стажига эга бўлган, таянч маълумоти таълим муассасасида мавжуд бўлган тайёрлов йўналишларидан бирига тўғри келадиган мутахассислар иштирок этишлари мумкин.

IV. Танловда иштирок этиш хоҳишини билдирган номзодлар қуйидаги ҳужжатларни тақдим этади:
1. Тошкент вилояти ўрта махсус, касб-ҳунар таълими бошқармаси бошлиғи номига ариза;
2. Шаҳар (туман) ҳокимлигининг тавсияномаси (директор лавозимига номзодлар учун);
3. Таълим муассасаси директорининг тавсияномаси (директор ўринбосари лавозимига номзодлар учун);
4. Сўровнома;
5. Таржимаи ҳол;
6. Маълумоти ҳақидаги ҳужжат ва унинг ксеронусхаси;
7. Илмий даражаси ва илмий унвонлари ҳақидаги ҳужжатлар ва уларнинг ксеронусхаси (мавжуд бўлса);
8. Илмий-услубий ишлар ва ихтиролар рўйхати (мавжуд бўлса);
9. 4х6 ўлчамдаги фотосурат (6 дона);
10. Номзоднинг таълим муассасасига раҳбарлик фаолияти бўйича ихтиёрий шаклда ёзган режаси (концепция);
11. Ҳарбий гувоҳноманинг ксеронусхаси;
12. Паспорт ва унинг ксеронусхаси (тураржойи билан);
13. Меҳнат дафтарчасининг ксеронусхаси;
14. Олдинги ёки ҳозирда ишлаб турган иш жойидан тавсифнома.

Ҳужжатлар эълон чиққан кундан бошлаб 30 (ўттиз) кун мобайнида қабул қилинади.

Манзил: Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Геофизика қўрғони. Телефон: 150-18-66.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари диққатига!

ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ «ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ХИЗМАТИ» ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ
қуйидаги объектларга ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

1. Қибрай тумани молия бўлими биносини реконструкция қилиш;
2. Паркент тумани молия бўлими биносини реконструкция қилиш.

Таъмирлаш муддати – 3 ой.

Реконструкция ишлари: давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси – Тошкент вилояти «Ташконсалтингстройторг» давлат унитар корхонаси.

Буюртмачи манзили: Тошкент шаҳри, Юсуф Хос Ҳожиб кўчаси, 75-уй. Тел/факс: (8371) 215-53-11.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажриба ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси – Тошкент вилоятининг «Ташконсалтингстройторг» давлат унитар корхонасининг қуйидаги манзилига мурожаат қилишлари мумкин:

Тошкент шаҳри, Муртазоев кўчаси, 6-уй. 113-114-хона. Тел/факс: 150-15-49.

Танлов ҳужжатларининг бир тўплам қиймати – 70 000 (етмиш минг) сўм.

Таклифлар (офёрталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати офёрталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (офёрталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилган кундан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Тошкент вилояти ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида очилади.

ЁШ РАССОМЛАРНИНГ ЁРҚИН ДУНЁСИ

Ўзбекистон Бадиий академияси Халқаро маданият карвон саройида Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчиларининг "Ёрқин дунё" мавзуидаги бадиий кўргазмаси очилди.

Ўтган қисқа вақт мобайнида Республика тасвирий ва амалий санъат лицей-интернати ўқувчилари чизган расмлар Япония, Россия, Чехия, Ҳиндистон, Швейцария, Бангладеш, Жанубий Корея каби давлатларда ўтказилган халқаро болалар расмлари кўргазмалари, фестиваль ва танловларда ғолиб бўлди.

"Ёрқин дунё" деб номланган ушбу кўргазмада лицей-интернатнинг Моҳира Иброҳимова, Дамир Дюсекенов каби республика ва халқаро танловларда совриндор бўлган иқтидорли ўқувчиларининг "Қишки ўйин", "Шаршара", "Она-табиат", "Уста", "Халқ ижодиёти" мавзуидаги туркум расмлари билан танишиш мумкин.

Назокат УСМОНОВА, ЎзА мухбири.

«18-КВАДРАТ» – ҒОЛИБ

Россиянинг Волоколамск шаҳрида бўлиб ўтган ҳарбий ватанпарварлик мавзуидаги фильмларнинг тўртинчи халқаро фестивалида Ўзбекистон киноижодкорлари томонидан яратилган "18-квадрат" бадиий фильми ғолиб топилди.

Таниқли ёзувчи Мурод Муҳаммад Дўст сценарийси асосида режиссёр Жаҳонгир Қосимов томонидан "Ўзбекфильм" киностудиясида суратга олинган "18-квадрат" бадиий фильми ана шундай экран асарлари сирасидандир. Фильмда Ватанимиз мустақиллигини мустаҳкамлаш, хавфсизлигини таъминлаш, халқимиз ҳаётининг тинч ва осойишталигини сақлашда муносиб ҳисса қўшаётган ҳарбийлар ҳаёти ҳақида ҳикоя қилинади. Айни пайтда фидойи ҳамюртларимизнинг мамлакатимиз сарҳадлари дахлсизлигини таъминлаш йўлидаги жасорати ҳаяжонли лавҳаларда очиб берилган.

Фильмни оператор Нажмиддин Ғуломов тасвирга туширган. Асосий ролларни Саид Мухторов, Тоҳир Саидов, Жавоҳир Қосимов каби актёрлар ижро этган.

ЎзА.

Янги спектакль

Дунёда барча жонзот жуфт яратилган. Бинобарин инсон зоти Аллоҳнинг марҳамати ила жуфт бўлиб яшашга даъват этилган. Ҳаётда оила қувончи-ю, яшаш мазмуни шу жуфтлик туфайли гўзал. Бироқ ҳар доим ҳам ҳаёт инсонлар истаганича давом этавермайди. Тақдирнинг ўйинлари, гоҳида бевақт ўлим туфайли не орзу-ниятлар билан оила қурган жуфтлик бир-биридан жудо бўлади, эр ёки хотин бева бўлиб қолади. Ҳаётининг қоқ ярмида ёки ҳали ёш бўла туриб жудолик дардига йўлиқади.

Шуниси ачинарлики, хотинидан айрилган эркакларга дўсту биродарлар, фарзандлар-у, қариндош уруғлар хайрихоҳлик билан тезда умр йўлдоши топишга, уйлантириб қўйишга ошиқадилар. Аёлчи – эрдан ажралган, умр йўлдошини йўқотиб, бева қолган муштипар оначи? Улар учун қайта турмуш қуриш қандайдир ноўрин, ҳатто уятдай туюлади. Хуллас, ўттизқирқ ёшида бева қолган аёлни аксарият ҳолларда ёлғизлик гирдоби ўз комига тортиб кетади. Қани энди ўша ёлғиз эркакка ачинган, тезроқ умр йўлдош топишга уринган фарзандлар-у, қариндошуруғ, кўни-қўшни бева қолган аёлга ҳам ана шундай хайрихоҳлик кўрсатишса... Минг афсуски, бунинг ўрнига баъзи оғзига кучи етмайдиган, ғийбат деса ўзини томдан ташлайдиганлар бечора бева хотинга туҳмат тошини отиб, турли мишмишлар тарқатишади...

Яқинда Ўзбек миллий академик театримиз саҳнасида намойиш этилган «Бевалар» спектаклига худди ана шу мавзу асос қилиб олинган.

Пьеса муаллифи драматург Зулхумор Солиева ўзи билган, кўрган бева аёлларнинг изтиробини чуқур ҳис этган тарзда реал мулоҳаза юритади. Дарвоқе, мазкур спектакль З. Солиевانинг бу саҳнадаги биринчи пьесаси эмас. Унинг «Уайсий» номли асари ҳам миллий театрда қўйилган. Спектаклни саҳналаштирган режиссёр – Мунаввара Абдуллаева муаллиф билан ҳамфикр бўлиб, бева аёлларнинг дарди, изтироби, ёлғизлик азобини ёрқин саҳналарда ифодалаб берган.

Фарзандсизлик туфайли эридан ажралган Раъно (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Раъно Ярашева) ёлғиз яшайди. У кўни-қўшниларидан хизматини аямайдиган, чаққон аёл. Ёшу қари, эркагу аёл унинг хонадонида дардига шифо топади. Фақат муолажа эмас, унинг ширин сўзи, фойдали маслаҳатидан баҳраманд бўлишади. Бироқ худбин, бировни кўролмайдиган ғийбатчилар ҳар ерда, шоли ичидаги қурмакдек, топилиб туради. Раъ-нонинг ён қўшниси Қумри (Республикада хизмат кўрсатган артист Лола Элтоева) «сен укол баҳона эрларимизни «бошқа» ниятда уйингга киритасан», деб аёлга кун бермайди. Устидан шикоятлар ёзавериб, жонига тегади.

Бундай ноўрин маломатлардан тўйган Раъно ҳовлисини сотиб, бошқа жойга кўчиб кетишга аҳд қилади. Газетага эълон беради. Ана энди унинг уйига харидорлар ёпирилиб кела бошлайди. Турли тоифа, турфа феъллари кишилар... Ғийбатчи Қумрига яна гап топилади, «Раъно шахсий шифохона очди» деган чақув хати ёзади. Бироқ ҳар бир ишнинг гоҳида фойдали тарафи ҳам чиқиб қолар экан. Харидорлардан бири Анвар (артист Ҳамид Тошпўлатов) уйни кўриш учун келади-ю, эгасини ёқтириб қолади. Бу ёқда бева қўшниси Ҳусан ака ҳам (Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Рихсибой Авазов) Раъногa уйлансам дейди. Харидор Анвар билан тортишгани тортишган. Яна бир харидор – уй олди-соттиси маклери Озодбек. Унинг асл нияти ҳовлини қўлга киритиш.

Хоразмлик Қобил эса, Раъногa астойдил уйланмоқчи, ишқ-муҳаббат ўтида куйган. Лекин Раъ-нонинг шикаста кўнгли ғаш. Ҳамма совчига рад жавобини беради. Бироқ орага фарзанд тушади-ю, Раъ-нонинг кўнгли юмшайди. Анварнинг бўйи етган қизи Дилдора Раъ-нони ёқтириб қолади, отасига турмушга чиқишини сўраб, илтижо қилади. «Ойижон» деб бўйнига осилади. «Худди вафот этган онамга ўхшайсиз. Бизга оналик қилинг, икки укам бор» дейди. Шу жойда Раъ-нонинг қалбида оналик меҳри уйғониб, қизнинг илтимосини қабул этади...

Бош ролни ижро этган Раъно Ярашева қаҳрамон-нинг ички дунёси, дарду ҳасратини таъсирли кўрсатиб берган. Лола Элтоева ғаразгўй, ичи қора, ғийбатчи Қумри образини шундай ёрқин ҳаракат, ифодалар билан яратганки, томошабин қотиб-қотиб кулиш баробарида унга ачинади ҳам.

Аҳамиятлиси шуки, асар якунида икки кемтик оила бирлашиб, бир бева аёл ўша хонадон бекасига айланади.

Фарида УСМОНОВА, республикада хизмат кўрсатган маданият ходими.

Ўзбекистон телевидениеси кўрсатувлари дастури

ДУШАНБА 17

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири».
7.35, 15.15 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
7.55, 17.15, 1.35, 4.35 Олтин мерос.
8.00 «Таҳлилнома».
8.45 «Замин ғаройиботлари».
9.10 «Болалар дунёси».
10.15 «Ҳамон ёдимда...»
10.55 «Минг бир ривоят».
11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Диёрим табиати».
13.05 Жаҳон мусиқаси хазинасидан.
14.20 Эски альбом.
14.25, 18.00, 4.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
15.40 «Ватанпарвар».
16.40 «Менинг университетим».
17.20 «Ҳаёт ва қонун».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.45 «Бир кун».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
20.05 «ТВ шифокор».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.40 «Фирибгарлик тузоғи».
22.00 «Кўнгил риштаси».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.15 «Рамаяна». Телесериал.

YOSHLAR

16.55 Дастурнинг очилиши.
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 «Троллар мамлакати». М/с
17.30 «Болалар табассуми».
17.35 «Мурувват».
17.45 «Матонат».
18.00 «Kinomaniya».
18.30, 21.40 «UzEX хабарлари».
18.35 «ТВ-банк».
18.45 «Ёшлик наволари».
18.55, 21.55 «Yoshlar» анкетаси.
19.00, 22.00 «Давр».
19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
20.05 «Ажойиботлар хазинаси».
20.10 «Спортлото».
20.20 «SMS-мусиқа».
20.50 Т/с «Алия».
21.35 «Телетуҳфа».
21.50 «О, ёшлигим...».
22.30 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
23.30 «Хайрли тун!».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Шуке и Бэйта».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Сериал.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Будьте здоровы».
20.20 «Милагрос». Сериал.
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Аёл қалби».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Без семьи».

SPORT

Телетомошабинлар диққатига! Профилактика 18.00 гача.
18.00 «Полвонжон».
18.20 «Тет-а-тет».
18.30, 21.30 «Хабарлар».
18.50 «Мусиқий тайм».
19.10 «Қор ёғар, ёғар». Д/ф.
19.25 «Спортимиз маликалари».
19.40 «Футбол шарҳи».
20.00 «Жди меня».
20.50 Баскетбол. Евролига.
21.50 ПрофРИНГ.
22.40 Спортивное кино: «Али», 1-часть. Х/ф.

СЕШАНБА 18

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири».
7.35, 15.15 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
7.55, 13.55, 17.15, 21.45, 1.35, 4.35 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 11.50, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 3.00, 4.00 «Ахборот».
8.35 «Замин ғаройиботлари».
9.00 «Ўйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.05 «Одами эрсанг...»
10.25 «КиноТеатр».
10.50 «Сизнинг адвокатингиз».
10.55, 20.05 «ТВ шифокор».
11.15, 20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
13.00, 22.00 Кўнгил риштаси». Телесериал.
14.20 Эски альбом.
14.25 «Минг бир ривоят».
14.30, 18.00, 4.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
15.35 «Бир кун».
16.05 «Шахсий фикр».
16.35 «ИИВ хабарлари».
16.50 «Дунё манзаралари».
17.20 «Агар Сиз...».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.55 «Ҳудудлар ҳаёти».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
20.50 «Минг бир ривоят».
21.30 «Сайлов – 2007».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.15 «Рамаяна». Телесериал.
23.50 Тунги наволар.

YOSHLAR

7.00 «Янги тонг».
8.00 Х/ф «Оила сирлари».
9.20 «ТВ-банк».
9.30, 19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
9.55, 20.05 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Интерфутбол».
11.40 «Чемпион сирлари».
12.00, 20.50 Т/с «Алия».
12.40 «Таълим ва тараққиёт».
12.55 «Дурдонамсан, Самарқанд!».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 Т/с «Пуаро».
14.50, 18.30 «О, ёшлигим...».
14.55 «Сув – ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 М/с «Троллар мамлакати».
17.30, 22.30 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
18.35 «Ёшлик наволари».
18.55 «Yoshlar» анкетаси.
20.10 «Joker».
20.20 «Автопатруль».
20.35 «Coscom»дан бахтли унталик».
21.35 «Телетуҳфа».
21.40 «Сайлов – 2007».

TOSHKENT

17.55 М/ф «Шуке ва Бэйта».
18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
18.25 «Биласизми?».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
18.50 «Камила». Сериал.
19.20, 20.15 «ТВ юрист».
19.25 Музыка SMS.
19.50 «Ҳимоя».
20.20 «Милагрос». Сериал.
20.50 «Репортаж».
21.00 «Жозиба».
21.45 «Ўйларим».
22.10 «Премьера».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Без семьи».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.20 «Квидек. Французское сердце Северной Америки». Д/ф.
9.30 «Малахов +».
10.30 Оғир атлетика.
11.00 Биатлон.
11.30 «Шахсий вақт».
11.40 Гандбол.
12.10 Хоккей. Евротур.
18.00 «Мир детского спорта».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.50 «Вокруг света».
19.35 Футбол.
20.00 «Колесо фортуны». Сериал.
20.50 «Жаҳон спорти юлдузлари».
21.10 «Тема дня».
21.50 Еврофутбол.
23.25 Спортивное кино: «Али», 2-часть. Х/ф.

ЧОРШАНБА 19

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
7.35 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
7.55, 13.55, 17.15, 1.30, 4.35 «Олтин мерос».
8.00, 11.00, 14.00, 17.00, 19.30, 21.00, 1.00, 4.00 «Ахборот».
8.40 «Замин ғаройиботлари».
9.05 «Бизнинг кутубхона».
9.45 Концерт.
10.05 «Ягона оилада».
10.25 «Ҳудудлар ҳаёти».
10.40 «ИИВ хабарлари».
10.55 «ТВ шифокор».
11.15 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
11.50 «Дўппи».
13.00, 22.00 «Кўнгил риштаси». Телесериал.
14.20 Эски альбом.
14.25, 18.00, 4.50 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
15.15 «Ўзбекистон қўриқхонаси».
15.35 «Оддий ҳақиқатлар».
16.20 «Дунё манзаралари».
16.40 «Эркин иқтисодиёт».
17.20 «Таълимга эътибор – келажакка эътибор».
17.40 «Эртаклар – яхшиликка етаклар».
17.55 «Минг бир ривоят».
18.50 «Муқаддас қадамжолар».
19.10 «Оҳанглар оғушида».
19.20 «Сизнинг адвокатингиз».
20.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
21.40 «Йилнинг муҳим воқеаси».
23.00 «Қўшиғимсан, муҳаббат».
23.15 «Рамаяна». Телесериал.
24.05 «Фориш».

YOSHLAR

7.00 «Янги тонг».
8.00 Х/ф «Севишганлар».
9.20 «Камолот» хабарлари.
9.30, 19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
9.55, 20.05 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Марваридим, Марғилон!».
10.15, 20.20 «Автопатруль».
10.30 «Ватанпарвар».
11.20 «Меъёр соғлик гарови».
11.40 «Journal».
12.00, 20.50 Т/с «Алия».
12.40 «Матонат».
12.55 «Дурдонамсан, Самарқанд!».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 Т/с «Пуаро».
14.50, 18.30 «О, ёшлигим...».
14.55 «Сув – ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун».
15.50 «Мулки мумтоз».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 М/с «Троллар мамлакати».
17.30, 22.30 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
18.35 «Ёшлик наволари».
18.55 «Yoshlar» анкетаси.
20.10 «Спортлото».
20.35 «Мусиқий лаҳза».
21.35 «Телетуҳфа».
21.40 «SMS-мусиқа».

TOSHKENT

7 30 «Салом, Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камила». Сериал.
9.053, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 11.10, 19.20, 20.15 «ТВ юрист».
9.30 «Аёл қалби».
9.45, 18.25 «Биласизми?».
9.50, 21.45 «Ўйларим».
9.55 «Репортаж».
10.05, 19.25 Музыка SMS.
10.30, 20.20 «Милагрос». Сериал.
11.00 «Будьте здоровы».
11.20, 22.50 Х/ф «Без семьи».
17.55 М/ф «Шуке ва Бэйта».
18.30, 20.00, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Муқаддас қадамжолар».
20.50 «Интервью».
21.00 «Жозиба».
22.10 «Эртамиз эғалари».
22.45 «Кино SMS со звёздами».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.20 «Тель-Авив. Белый город». Д/ф.
9.30 «Малахов +».
10.30 Оғир атлетика.
10.50 Биатлон.
11.20 Хоккей. Евротур.
12.20 Футбол.
18.00 «Ровесник».
18.15 «Мусиқий тайм».
18.50 «Олам бўйлаб».
19.15 Автоспорт. Гран-при.
19.45 «Жасорат».
20.00 «Колесо фортуны». Сериал.
20.50 «Спорт менинг ҳаётим».
21.10 «Футбол мундиал».
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Рыцарь Камелота». Х/ф.

ПАЙШАНБА 20

O'ZBEKISTON

6.00, 12.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
7.00 «Сарой жавоҳири». Телесериал.
7.35 «Икки дарё оралиғида».
7.55 «Минг бир ривоят».
8.00, 14.00. 19.30, 21.00 «Ахборот».
8.40, 21.45 «Олтин мерос».
8.50 «Тазарру». Видеофильм.
9.20 «Кеча келгумдир дебон...».
10.00 «Сайлов – демократия кўзгуси».
11.05 «Йилнинг муҳим воқеаси».
11.25 «Ватан ҳақида қўшиқлар».
11.35 «Ўзбек таомлари».
13.00 «Учрашув». Видеофильм.
14.20 Эски альбом.
14.25 «Минг бир ривоят».
14.30 «Турмуш чорраҳаларида». Телесериал.
15.20 «Назм ва наво».
15.45 «Одамлардан бири».
16.05 «Қизлар давраси».
17.10 «Тоғлик куёв». Бадиий фильм.
18.40 «Ҳандалак».
19.05 «Янги оҳанглар».
20.05 ТВ шифокор.
20.10 «Аччиқ ёлғон». Телесериал.
20.50 «Минг бир ривоят».
21.30 «Сайлов – 2007».
22.05 «Чимилдиқ». Бадиий фильм.
23.40 «Ўзбек таомлари».
24.00 «Қизлар давраси».

YOSHLAR

7.00 «Янги тонг».
8.00 Х/ф «Чашма».
9.10, 15.50 «Мулки мумтоз».
9.20 «Радиодан кўрсатамиз!».
9.30, 19.30 Т/с «Ёмғир симфонияси».
9.55, 20.10 «Ажойиботлар хазинаси».
10.00, 13.00, 16.00, 19.00, 22.00 «Давр».
10.10 «Дурдонамсан, Самарқанд!».
10.15 «Автопатруль».
10.30 В/ф «Ипак сеҳри».
11.10 «Kinomaniya».
11.40, 20.20 «SMS-мусиқа».
12.00, 20.50 Т/с «Алия».
12.40 «Бешик».
13.10 «Афсона ва ҳақиқат».
14.00 Т/с «Пуаро».
14.50, 18.30 «О, ёшлигим...».
14.55 «Сув – ҳаёт манбаи».
15.00 «Янги кун».
16.10 «Мўъжизавий дунё».
17.00 «Даврнинг боласи».
17.10 М/с «Троллар мамлакати».
17.30, 22.30 Т/с «Денгиз ҳукмдори».
18.35 «Ёшлик наволари».
18.55 «Yoshlar» анкетаси.
20.15 «Мафтункор ва бетакрор Ўзбекистон!».
21.35 «Телетуҳфа».
21.40 «Сайлов – 2007».

TOSHKENT

7 30 «Салом Тошкент!».
8.35, 18.50 «Камила». Сериал.
9.05, 18.05, 21.50 «Телекурьер-маркет».
9.25, 11.30, 19.20, 20.15«ТВ юрист».
9.30 «Ҳимоя».
9.40, 18.25 «Биласизми?».
9.50, 21.45 «Ўйларим».
9.55, 20.50 «Интервью».
10.05, 19.25 «Музыка SMS».
10.30, 20.20 «Милагрос». Сериал.
11.00 «Всё о туризме».
11.40 Х/ф «Без семьи».
17.55 М/ф «Шуке ва Бэйта».
18.30, 21.30, 22.30 «Пойтахт».
19.50 «Экономическое ревю».
20.00 «Пойтахт».
21.00 «Жозиба».
22.10 Х/ф «Қиш».
22.45 «Кино SMS со звёздами».
22.50 Х/ф «Джентельмены удачи».

SPORT

7.00 «Бодрое утро».
8.00, 9.00, 18.30, 21.30 «Хабарлар».
8.20 Мультфильм.
8.30 «Детективы».
9.20 «Годамис. Оазис Ливии». Д/ф.
9.30 «Малахов +».
10.30 Шинкиокушинкай каратэ.
11.00 Гандбол. Чемпионат мира.
11.30 Хоккей. Евротур. Россия-Чехия.
12.30 Футбол.
18.00 «Халқ ўйинлари».
18.20 «Тет-а-тет».
18.50 Мусиқий тайм.
19.10 Лыжные гонки.
19.40 «Тақдир чизгилари».
20.00 «Колесо фортуны». Сериал.
20.55 «Пахтакор – чемпион».
21.50 Еврофутбол.
23.25 «Бунт невесток». Кинокомедия.

«Respublika Mulk-Auksioni» ДУК

барча сармоядорларни, бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ АУКЦИОН савдоларига таклиф этади.

2007 йил 26 декабрь куни соат 15:00 да ўтказиладиган очиқ АУКЦИОН савдоларига қуйидаги нодавлат объекти қўйилади:

1. "93-сонли механизациялашган колонна" ОАЖнинг мол-мулклари мулкий мажмуа шаклида.
- 2 қаватли маъмурий бино - 417,20 кв.м
- гараж биноси - 849, 92 кв.м
- омборхона биноси - 25,80 кв.м
- АЁҚШнинг оператор биноси - 12,95 кв.м
- ҳожатхона - 5,98 кв.м
ОАЖнинг умумий майдони - 10614 кв.м
- автокран СМК-101
- ИЖ- КОМБИ (носоз)
- кондиционер LG-LB-E4880HL-680 (зима-лето) 2005 йил и/ч.
- факс Панасоник 2004 йил и/ч.

Жойлашган манзили: Тошкент вилояти , Чирчиқ шаҳри, Х. Мақсудова кўчаси, 1-уй.
Бошланғич баҳоси – 250 000 000 сўм.

Нодавлат объектининг такрорий очиқ АУКЦИОН савдоси 2008 йил 2 январь куни соат 15.00 да ўтказилади.

Шунингдек, 19 декабрь куни соат 15.00 да ўтказиладиган очиқ АУКЦИОН савдосига қуйидаги автотранспорт воситаси қўйилади.

Автотранспорт воситасининг русуми	Давлат рақами	Ишлаб чиқарилган йили	Двигатель рақами	Кузов рақами	Бошланғич баҳоси (сўм)
Чирчиқ шаҳар Давлат солиқ инспекциясига қарашли					
ДОГАН-S	11 AF 414	1996	6311183	NM413BOOJ 01074662	3 582 000

Автотранспорт воситасининг такрорий очиқ АУКЦИОН савдолари 2007 йилнинг 26 декабрь куни соат 15.00 да ўтказилади.

АУКЦИОН савдолари Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар залида ўтказилади.

Аукцион савдоларида қатнашиш истагини билдирган юридик ва жисмоний шахслар объект, (автотранспорт воситасининг) бошланғич баҳосининг 15 (ўн беш) фоиздан кам бўлмаган миқдорда "Respublika Mulk-Auksioni" ДУКнинг "Ўзсаноатқурилишбанк" Марказий амалиёт минтақавий филиали 20210000804537599001, МФО 00442, СТИР 206761326, ОКОНХ 84100 ҳисоб рақамига закалат пули тўлашлари шарт.

АУКЦИОН савдосида қатнашиш учун жисмоний шахслардан паспорт нусхаси, юридик шахслардан таъсис ҳужжатлари, агар ваколатли шахс қатнашса, ўрнатилган тартибда берилган ишончнома тақдим қилиш лозим.

АУКЦИОН савдосида иштирок этиш учун "Закалат пули тўғрисидаги келишув"ни имзолаб, закалат пулини тўлаган харидорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишидан 1 (бир) кун олдин тўхтатилади.

Имкониятингизни қўлдан бой берманг!

Қўшимча маълумотлар учун қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:
Тошкент шаҳри, Ўзбекистон шоҳ кўчаси, 55-уй, Давлат мулки қўмитаси биносининг биринчи қавати чап қанотидаги савдолар ўтказиш зали.
Телефонлар: 139-83-82, 150-34-44. Факс: 150-34-46.

Яккасарой туманидаги "TEZYURAR VATANPARVAR" масъулияти чекланган жамияти (ИНН 206647481, МФО 00435, ОКОНХ 17371, х/р 20208000204259838001) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 1 ой давоми 50-44-18 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Бекобод туманидаги 18-умумий ўрта таълим мактаби томонидан 2004 йилда Бекмуродов Лутфулла Файзуллаевич номига берилган O`R-A № 1719831 рақамли шаҳодатнома йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Қибрай молия-иқтисодиёт коллежи томонидан 2007 йилда Хомидова Маъмура Миркаримовна номига берилган К № 723639 рақамли диплом йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

"ПМК-15" масъулияти чекланган жамиятига берилган мулкий ҳуқуқни тасдиқловчи 0007061 рақамли (6769) давлат ордери йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

Частная фирма "SAVOY-SERVIS" Сергелийского района г. Ташкента (ОКПО 18027146) преобразуется в ООО "SAVOY-SERVIS".
Справки по тел: 442-07-65.

Утерянный аттестат U № 1528919, выданный 21.06.2005г. средней школой № 54 Мирзо-Улугбекского района г. Ташкента на имя Нестеренко Анатолия Анатольевича, **СЧИТАТЬ НЕДЕЙСТВИТЕЛЬНЫМ.**

Шайхонтоҳур туманидаги "HAMKOR DO`ST SAVDO" МЧЖ (ОКПО 20471948) **ТУГАТИЛАДИ.**

Даъволар эълон чиққан кундан бошлаб 2 ой давомида 117-23-04 рақамли телефон орқали қабул қилинади.

Частное предприятие «ALIXAN LUX SERVIS», зарегистрированное отделом государственной регистрации субъектов предпринимательства хокимията Чиланзарского района г. Ташкента № 002738-08 от 26.02.2007 г., ул. Гавхар 153 (ИНН 206849135) **ЛИКВИДИРУЕТСЯ** (решение учредителя № 2 от 13.12.2007 г.) Финансово-хозяйственная деятельность не осуществлялась с момента государственной регистрации.

Претензии принимаются в течении 1 месяца со дня публикации объявления.

ДИҚҚАТ, ГАЗ!

Тураржой ва коммунал-хўжалик объектларида газ асбобларидан фойдаланиш чоғида бахтсиз ҳодисалар юз беришининг олдини олиш мақсадида ЭСЛАТИБ ЎТАМИЗ:

– ишлаб турган газ асбобларини қаровсиз қолдирманг;

– хона ва сувни иситиш асбобларини ёқишдан аввал мўрининг ҳаво тортиш ҳолатини синчковлик билан текшириб кўринг. УНУТМАНГКИ, мўри тўлиб қолган ҳамда иситиш печларида ёрилган жойлар бўлса, газ ёнишидан ҳосил бўлган ис ва бошқа моддалар хонага тарқалиб, одамларнинг заҳарланишларига олиб келиши мумкин;

– иситиш асбобларининг ортиқча қизиб кетишига йўл қўйманг. **ЁДИНГИЗДА БЎЛСИНКИ**, агар мўри қурилмаган бўлса, иситиш асбоби меъёридан ортиқ қизиб кетса, ёнғин чиқиши ва бахтсиз ҳодиса юз бериши мумкин;

– соҳадан бехабар шахслар, айниқса, болаларнинг газ асбобларидан фойдаланишларига йўл қўйманг;

– газ асбобларига шланг улаб, фойдаланманг.

Коммунал-хўжалик объектларининг **ГАЗ ТИЗИМИГА ЖАВОБГАР ХОДИМЛАРИ** шаҳар ва туман газ идораларида **ИНСТРУКЦИЯ**дан ўтишлари ҳамда ўз хўжалик тизимига хизмат кўрсатувчи ходимларни газ асбобларидан фойдаланиш хавфсизлиги бўйича инструкциядан ўтказишлари зарур.

ГАЗГА НИСБАТАН ҲУШЁР ВА ЭҲТИЁТКОР БЎЛИНГ!

Портлаш ва ёнғиндан сақланиш учун қуйидагилар қатъий тақиқланади:

– газ таъминоти тармоғига ўзбошимчалик билан уланиш ва фойдаланиш;

– газ хўжалигининг рухсатисиз ва тегишли ҳужжатларсиз газ асбобларини қайта ва қўшимча ўрнатиш;

– носоз, текшириб кўрилмаган газ ва иситиш асбоблари ҳамда мўрилардан фойдаланиш;

– ностандарт газ ёниш қурилмаларидан фойдаланиш.

УНУТМАНГ! Сизнинг ноқонуний хатти-ҳаракатингиз бахтсиз ҳодисага олиб келиши мумкин.

Агар хонада газ ҳиди борлигини сезиб қолсангиз, зудлик билан газ асбоби олдидаги жўмракни бураб, газ йўлини беркитинг, хонани шамоллатинг, электр ўчиргич ва очиқ оловдан фойдаланманг, дарҳол газ хўжалиги авария-нозирлик хизматига хабар беринг.

«ТОШКЕНТГАЗТАЪМИНОТ» УК.

ЕР УЧАСТКАЛАРИ ҚАЙТАРИЛАДИ

Ўртачирчиқ туман ҳокимлиги якка тартибдаги уй-жой қурилиш бошқармаси Охунбобоев КФЙ ҳудудида жойлашган, собиқ 6-бригада ер майдонидаги 1996 йилда кимошди аукционида сотиб олинган ер майдонларида қурилиш ишлари бошланмаган ер участкаларини Ўзбекистон Республикаси "Ер кодекси"нинг 36-моддаси 10-бандига асосан ҚАЙТАРИБ ОЛИНИШИНИ МАЪЛУМ ҚИЛАДИ.

Ушбу масалада туман ҳокимлиги якка тартибдаги уй-жой қурилиш бошқармасига газетада эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда мурожаат қилиши мумкин.

"Bursel Toshkent Tekstil" қўшма корхонаси жамоаси бош директор ўринбосари Фазлиддин Насриддинович Сирожиддиновга падари бузруквори **НАСРИДДИНХОН ота**нинг вафоти муносабати билан чуқур ҳамдардлик изҳор этади.

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 136-55-54. Эълонлар: 133-90-82, 136-53-54.

Манзилимиз: 700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-1040. Адади 3398. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

Ⓣ белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.00. 1 2 3 4 5 6 8